Юрак мускулининг қисқариш ва бўшашиш жараёнида Ca^{2+}- транспорт тизимларининг функционал фаоллигининг бузилиши бир қатор юрак-қон томир касалликларининг ривожланишига олиб келади [1]. Шунингдек, гипоксия шароитида кадиомиоцитарда Ca^{2+}- гомеостазини ушлаб турувчи ион транспорт тизимларини функционал фаоллигининг бузилиши юзага келади. Ca^{2+}- гомеостазининг бузилиши эса кардиомиоцит цитоплазмасида Ca^{2+}- ионларининг камайиши билан юрак мускулларининг функционал регуляциясининг модификациясига олиб келади [2.3]. Шу нуқтай назардан, гипоксия шароитида ион каналлар функциясини модуляция қилувчи янги биологик фаол моддалар излаб топиш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, юрак қон-томир тизими касалликларининг олдини олиш ва даволашда самарали таъсирга эга дори пирепаратларини яратишда янги ёндашувларни ишлаб чиқиш замонавий кардиология ва фармокологиянинг долзарб масалаларидан бири бўлиб келмоқда. Юракнинг ишемик касалликларида кардиомиоцит мембранаси Ca^{2+}–каналлари ва Na^+/Ca^{2+}–алмашинувнинг функцияси муҳим аҳамият касб этади [4.5]. Шуларни

инобатга олган ҳолда, гипоксия шароитида 1-(4 ′ -метоксифенил)-6,7-диметокси-1,2,3,4-тетрагидроизохинолин (F-4) алкалоиди ва 2-(3,4-Дигидроксифенил)-6-{[6,7-диметокси-1-(4-метоксифенил-3,4-дигидроизохинолин-2(1H)-ил]метил}-3,5,7-тригидроксихроман-4-он (ДКВ-6) конъюгатининг L-тип Ca^{2+}–канали ва Na^{+}/Ca^{2+}–алмашинувга таъсири текширилди. Ўрганилаётган F-4 изохинолин алкалоиди ва ДКВ-6 конъюгати ЎзР ФА Ўсимлик моддалар кимёси институти катта илмий ходими PhD. Ш.Н.Журақулов томонидан олинган ва уларнинг кимёвий структураси қўйидаги расмда келтирилган (1-расм).



F-4 ДКВ-6

1-расм. F-4 изохинолин алкалоиди ҳамда ДКВ-6 конъюгатининг кимёвий структураси

Материал ва методлар: тадқиқотлар ЎзМУ ҳузуридаги Биофизика ва биокимё институти Ҳужайра биофизикаси лабораториясида амалга оширилди. Тажрибаларда зотсиз, оқ каламушлардан (200–250 гр.) фойдаланилди ва тажриба ҳайвонлари билан ишлашда халқаро Хельсинки Декларацияси ва халқаро тиббий илмий жамиятлар кенгаши (*CIOMS*) томонидан ишлаб чиқилган (1985) қоидаларига амал қилинди.

In vitro шароитида тажриба ҳайвонлари миокарди функционал фаоллигига биологик фаол моддаларнинг таъсир механизмини ўрганишда механография услубидан фойдаланилди. Тажриба ҳайвонлари юраги папилляр мускул препарати ўртача узунлиги ~1,5-4 мм диапазонда бўлиб, ажратиб олиш осонлиги, саркомер миофибриллаларининг чизиқли структура асосида жойлашганлиги, кучли қисқариш номоён қилиши ва *in vitro* шароитида ~6-8 соатдан ортиқ функция бажариши каби хусусиятларига кўра, тажрибаларда кенг фойдаланилади. Тажриба ҳайвонлари диэтил эфир ёрдамида ҳушсизлантирилиб, цервикал дислокация усулида жонсизлантирилди ва жарроҳлик усулида кўкрак бўшлиғи очилиб, юрак ажратиб олинди ва Кребс–Хензелайт физиологик эритмаси қуйилди.

Папилляр мускул препаратининг қисқариш фаоллигини қайд қилишда механографик қурилма (Mayflower Tissue Bath System, Hugo Sachs Electronic, Германия) ва аппарат-дастурий комплекси (LabScibe 2, World Precision Instruments, USA) ёрдамида амалга оширилди. Каламуш юраги чап

қоринчасидан ажратиб олинган папилляр мускули 20 мл ҳажмдаги термастатга уланган (36±1°C) камерага ўрнатилади, қуйидаги таркибдаги кислородли карбоген (O_2–95% ва CO_2–5%) Кребса физиологик эритмаси билан доимий перфузия қилинади: NaCl – 150; KCl – 4; $CaCl_2$ – 1,8; $MgCl_2$ – 1; $NaHCO_3$ –14; NaH_2PO_4 –1,8; $C_6H_{12}O_6$ –11,5; (pH=7,4). Тажриба бошланишидан олдин, максимал қисқаришни олиш учун дастлабки узунлигидан 30% га тортилади ва 60 дақиқа давомида адаптация қилинади. Гипоксия моделида Кребс физиологик эритмаси билан доимий перфузия қилинди (N-95% ва CO_2-5%) 60 мин давомида адаптация қилинади.

Текширилаётган бирикмаларнинг эффектини баҳолашда турли типдаги ион каналларига ингибитор анализи ёрдамида амалга оширилди. Бунда потенциалга боғлиқ Ca^{2+}– каналлари блокаторлари нифедипин ҳамда Na^+/Ca^{2+}–алмашинув блокатори $NiCl_2$ каби блокаторлардан фойдаланилди.

Олинган натижалар. Изохинолин алкалоидилар каламуш юраги папилляр мускул қисқариш механизмларига таъсири қисман ўрганилган [6]. Кийинги тадқиқотлар жараёнида F-4 изохинолин алкалоиди ҳамда ДКВ-6 конъюгатларининг каламуш юраги папилляр мускули қисқариш фаоллигига мусбат инотроп таъсир кўрсатиши ва мускул қисқариш кучини сезиларли даражада ошириши аниқланди. Бунда F-4 (5-120 мкМ) изохинолин алкалоиди ҳамда ДКВ-6 (5-50 мкМ) конъюгати папилляр мускул қисқариш кучини назорат вариантидан (назорат 100% деб олинган) 32,9±4,6% ва 110,2±4,8% га ошириши қайд қилинди (2-расм). Ушбу шароитда ДКВ-6 конъюгати F-4 изохинолин алкалоидига нисбатан папилляр мускул қисқариш фаоллигига сезиларли даражада кучли таъсир кўрсатиши аниқланди.



2–расм. А. F-4 изохинолин алкалоиди ҳамда ДКВ-6 конъюгатининг папилляр мускул қисқариш фаоллигига дозага боғлиқ мусбат инотроп таъсири. Ордината ўқида 100% деб қабул қилинган максимал қийматга нисбатан фоизда ифодаланган папилляр мускулнинг қисқариш кучи ифодаланган. Абсцисса ўқида алкалоид ва конъюгатларнинг концентрацияси ифодаланган. Стимуляция частотаси 1 Гц (t=+36±0,5°C); * –p<0,05, ** – p<0,01 n=4. Б. F-4 изохинолин алкалоиди ҳамда ДКВ-6

Ўрганилган моддаларнинг мусбат инотроп таъсир таъминланишида ушбу кўринишдаги механизм иштирокининг қўшимча тасдиғи сифатида L-тип Ca^{2+}–каналларининг блокатори нифедипин мавжуд шароитида (IC_{50}=0.01 мкМ) папилляр мускул қисқариш кучи назоратга 52,4±3,8% камайиши кузатилди. Нифедипиннинг (0,01 мкМ) инкубация мавжуд шароитида чақирилган *in vitro* гипоксия моделида папилляр мускул қисқариш кучи назоратга нисбатан 17,8±4,1% гача камайиши кузатилди. Ушбу шароитда F-4 изохинолин алкалоиди (120 мкМ) ҳамда ДКВ-6 конъюгатининг (50 мкМ) папилляр мускул қисқариш кучига таъсир эффекти назоратга нисбатан мос равишада 42,4±5,1%, ва 66,8±3,6% ни ташкил этди (4-расм). Бундан кўриниб турибдики, F-4 изохинолин алкалоиди ҳамда ДКВ-6 конъюгатининг гипоксия шароитида кардипротектор хусусиятида $Ca^{2+}{}_L$–каналларининг иштироки мавжуд эканлигидан далолат беради.



4-расм. А. Каламуш юраги папилляр мускул қисқариш фаоллигига F-4, изохинолин алкалоиди ҳамда ДКВ-6 конъюгатларининг гипоксия шароитида $Ca^{2+}{}_L$–каналларининг иштирокини баҳолаш. Ордината ўқида – максималга нисбатан фоиз (%) ҳисобида ифодаланган қисқариш кучининг амплитуда қиймати ифодаланган. Препаратни қўзғатиш частотаси 1 Гц. Барча ҳолатларда * - p<0,05; n=4. Б. Каламуш юраги папилляр мускул қисқариш фаоллигига F-4, изохинолин алкалоиди ҳамда ДКВ-6 конъюгатларининг гипоксия шароитида $Ca^{2+}{}_L$–каналларининг иштирокини баҳолаш (оргинал ёзув).

Маълумки, кардиомиоцитларда нормал физиологик ҳолатда Na^+/Ca^{2+}-алмашинув Na^+ ионларини ҳужайрага киритиб, Ca^{2+} ионларини ҳужайра ташқарисига чиқарувчи асосий тизим ҳисобланади [9.10.11]. Гипоксия натижасида Na^+/Ca^{2+}-алмашинув функциясининг бузилиши юзага келади. Шунинг учун тажрибаларда, ўрганилаётган моддаларнинг гипоксия шароитида кардиомиоцит Na^+/Ca^{2+}-алмашинув тизимига таъсирини ўргандик. Бунда F-4 изохинолин алкалоиди ҳамда ДКВ-6 конъюгатининг папилляр мускул қисқариш фаоллигига таъсирини кардиомиоцитлар сарколеммасида жойлашган Na^+/Ca^{2+}- алмашинув тизимининг ўрнини баҳолаш учун унинг носпецифик блокатори $NiCl_2$ нинг 10 мМ

концентрациясидан фойдаланилди. Бунда папилляр мускул қисқариш кучи назоратга мос равишда 72,4±3,8% гача камайтириши кузатилди. Ушбу шароитда чақирилган гипоксия моделида олиб борилган тадқиқодларимизда F-4 алкалоиди ва ДКВ-6 конъюгати назоратга нисбатан мос равишда 52,6±5,1%, ва 81,9±3,6%, ни ташкил этди (5-расм).



4-расм. А. Каламуш юраги папилляр мускул қисқариш фаоллигига F-4, изохинолин алкалоиди ҳамда ДКВ-6 конъюгатларининг гипоксия шароитида Na^+/Ca^{2+}-алмашинув тизимининг ўрнини баҳолаш. Ордината ўқида – максималга нисбатан фоиз (%) ҳисобида ифодаланган қисқариш кучининг амплитуда қиймати ифодаланган. Препаратни қўзғатиш частотаси 1 Гц. Барча ҳолатларда * - $p<0,05$; $n=5$. **Б.** Каламуш юраги папилляр мускул қисқариш фаоллигига F-4, изохинолин алкалоиди ҳамда ДКВ-6 конъюгатларининг гипоксия шароитида Na^+/Ca^{2+}-алмашинув тизимининг ўрнини баҳолаш (оргинал ёзув).

Гипоксия шароитида $NiCl_2$ билан олиб борилган тажриблардан маълум бўлдики, ушбу ўрганилаётган биологик фаол моддаларнинг мусбат инотроп ва кардипротектор фаоллигида Na^+/Ca^{2+}-алмашинув тизимнинг иштироки бор эканлигидан далолат беради.

Хулоса: Ҳулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки текширлаётган, F-4 изохинолин алкалоиди ҳамда ДКВ-6 конъюгати каламуш юраги папилляр мускули қисқариш фаоллигига мусбат инотроп таъсир кўрсатади. Гипоксия шароитида каламиш юраги папилляр мускул қисқариш фалллигидаги бузилишларни самарали бартараф этиши кузатилди. Ўрганилаётган бирикмаларнинг кардиопротектор таъсирида L-тип Ca^{2+}-каналлари ва Na^+/Ca^{2+}-алмашинувнинг иштироки сезиларли даражада мавжуд эканлигидан далолат беради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Daniel C. Bartos, Eleonora Grandi, and Crystal M. Ripplinger // Ion Channels in the Heart // Compr Physiol. . 2015 July 1; 5 (3): pp 1423–1464

2. Zhanhao Su, Yiwei Liu and Hao Zhang. Adaptive cardiac metabolism under chronic hypoxia: mechanism and clinical implications // Frontiers in Cell and Developmental Biology // 02 February 2021 .625524 pp 1-13
3. Tammy M. Casey, Julian L. Pakay, Michael Guppy, Peter G. Arthur // Hypoxia causes downregulation of protein and rna synthesis in noncontracting mammalian cardiomyocytes // Circ Res. 2002; 90: P 777-783.
4. Elinor J. Griffiths, Christopher J. Ocampo, Jason S. Savage, Guy A. Rutter, Richard G. Hansford, Michael D. Stern, Howard S. Silverman // Mitochondrial calcium transporting pathways during hypoxia and reoxygenation in single rat cardiomyocytes // *Cardiovascular Research* 1998, P 423–433
5. Subha Rastogi, Madan Mohan Pandey, A K S Rawat // Traditional herbs: a remedy for cardiovascular disorders// Phytomedicine. 2016
6. Inoyat Jumayev, Pulat Usmanov, Shavkat Rustamov1 and Sherzod Zhurakulov. Comparative Inotropic Effects of the Some Isoquinoline Alkaloids // Biomedical & Pharmacology Journal, March 2020. Vol. 13(1), p. 325-333
7. Masaki H, Sat0 Y, Luo W, Kranias EG, Yatani A.// Phos- pholamban deficiency alters inactivation kinetics of L-type Ca^{2+} channels in mouse ventricular myocytes.// *Am J Physiol* // 1997; 272: H 606-12.
8. Lalli MJ, Shimizu S, Sutliff RL, Kranias EG, Paul RJ. $[Ca^{2+}]_i$ homeostasis and cyclic nucleotide relaxation in aorta of phospholamban-deficient mice. *Am J Physiol* 1999; 277: H963-70.
9. Sh. S. Khushmatov, I. Z. Zhumaev, Sh. N. Zhurakulov, A. Sh. Saidov, and V. I. Vinogradova. Synthesis and Comparative Inotropic Effects of Several Isoquinoline Alkaloids // Pharmaceutical Chemistry Journal Vol. 54, No. 1, pp. 9 – 13, January, 2020.
10. Pulat B. Usmanov1, Inoyat Z. Jumayev, Shavkat Yu. Rustamov, Abdisalim A. Zaripov, Adilbay T. Esimbetov, Sherzod N. Zhurakulov and Valentina I. Vinogradova. The Combined Inotropic and Vasorelaxant Effect of DHQ-11, a Conjugate of Flavonoid Dihydroquercetin with Isoquinoline Alkaloid 1-aryl-6,7-dimethoxy-1,2.3,4-tetrahydroisoquinoline // Biomedical & Pharmacology Journal, June 2021. Vol. 14(2), p. 651-661
11. Dipla K, Mattiello JA, Margulies KB, Jeevanandam **V,** Houser SR. The sarcoplasmic reticulum and the Na^+/Ca^{2+} exchanger both contribute to the Ca^{2+} transient of failing human ventricular myocytes. *Civc Res* 1999; 84: 435-44.

РЕЗЮМЕ

ОЦЕНКА КАРДИОПРОТЕКТОРНАЯ СВОЙСТВА АЛКАЛОИДА ИЗОХИНОЛИНА F-4 И КОНЪЮГАТА ДКВ-6 В УСЛОВИЯХ ГИПОКСИИ IN VITRO.

[1]Бобоев Садриддин Нурилла ўғли, [1]Жумаев Иноят Зулфуқорович, [1]Усманов Пулат Бекмурадович, [2]Журакулов Шерзод Ниятқобилович

[1]Институт биофизики и биохимии при Национальном университете Узбекистана имени Мирзо Улугбека,

[2]*Институт Химии Растительных Веществ им. академика С. Ю. Юнусова Академии Наук Республики Узбекистан*
sadriddin-2022@mail.ru

Ключевые слова: гипоксия, папиллярная мышца, Na^+-, $Ca^{2+}{}_L$-каналы, Na^+/Ca^{2+}-обмен, алкалоид, конъюгат.

Отмечено, что конъюгат ДКВ-6, полученный в присутствии изохинолинового алкалоида F-4 и дигидрокверцетина, оказывает положительное инотропное действие на сократительную активность папиллярной мышцы сердца крысы. Установлено, что алкалоида F-4 и конъюгата ДКВ-6 оказывал максимальное влияние на сократительную активность папиллярных мышц в концентрациях 120 мкМ и 50 мкМ. Также в условиях гипоксии доказано, что изохинолиновый алкалоид Ф-4 и конъюгат ДКВ-6 обладают выраженными кардиопротекторными свойствами, эффективно устраняя повреждиние сократительной деятельности миокарда. В кардиопротекторных свойствах исследованных соединений установлено, что они частично модулируют $Ca^{2+}{}_L$-каналы и в большей степени Na^+/Ca^{2+} обменник при гипоксии.

SUMMARY

EVALUATION OF THE CARDIOPROTECTIVE PROPERTIES OF ISOQUINOLINE F-4 ALKALOID AND DKV-6 CONJUGATE UNDER IN VITRO HYPOXIA CONDITIONS.

[1]Boboev Sadriddin Nurilla o'g'li, [1]Zhumayev Inoyat Zulfuqorovich, [1]Usmanov Pulat Bekmuradovich, [2]Zhurakulov Sherzod Niyatkobulovich,
[1]Institute of Biophysics and Biochemistry under Mirzo Ulug'bek National University of Uzbekistan,
[2]S. Yu. Yunusov Institute of the Chemistry of Plant Substances, Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, 100170, Tashkent, Uzbekistan,
sadriddin-2022@mail.ru

Key words: hypoxia, papillary muscle, Na^+-, $Ca^{2+}{}_L$-channels, Na^+/Ca^{2+}-exchange, alkaloid, conjugate.

It was noted that the DHQ-6 conjugate obtained in the presence of isoquinoline alkaloid F-4 and dihydroquercetin has a positive inotropic effect on the contractile activity of the papillary muscle of the rat heart. It was established that the F-4 alkaloid and the DHQ-6 conjugate had the maximum effect on the contractile activity of papillary muscles at concentrations of 120 μM and 50 μM. Also, under conditions of hypoxia, it has been proven that the isoquinoline alkaloid F-4 and the DKV-6 conjugate have pronounced cardioprotective properties, effectively eliminating damage to the contractile activity of the myocardium. In the cardioprotective properties of the studied compounds, it was found that they partially modulate the $Ca^{2+}{}_L$ channels and, to a greater extent, the Na^+/Ca^{2+} exchanger during hypoxia.

УДК 616.12-005.4

ЮРАК ИШЕМИК КАСАЛЛИГИ БИЛАН ХАСТАЛАНГАНЛАРДА ТРИМЕТИЛАМИН КЎРСАТКИЧИНИНГ ЎЗГАРИШИНИ ДИСЛИПИДЕМИЯГА ТАЪСИРИ

Жўраева Мохигул Азимжоновна, Холиқова Дилрабо Собиржоновна

Андижон Давлат тиббиёт институти

dilrabohonholikova@gmail.com

Калит сўзлар: ичак микробиотаси, микробиом, метаболизм, триметиламин –N оксид,липид алмашуви, дислипилемия, атеросклероз, пробиотик.

Тадқиқотнинг мақсади: Юрак ишемик касаллиги мавжуд беморларда триметиламин-N- оксидни дислипидемияга таъсирини бахолаш, даволаш ва олдини олиш учун профилактик чора тадбирлар ишлаб чикиш.

Материаллар ва методлар: Тадқиқот юрак ишемик касаллиги билан хасталанган 90 нафар беморда ва30 нафар ЮИК билан хасталанмаган соғломназорат гурухида ўтказилди. Барчасини қонида қисқа занжирли пептидлар, триметиламин N оксид, холестерин, липоротеидлар паст, ўта паст ва юқори зичликда ўрганилди.

Натижалар: Юрак ишемик касаллиги билан хасталанган беморлардаги триметиламин-N оксид кўрсаткичининг ўзгариши липид спектрига таъсири бахоланди.

Хулоса: ТМАО миқдори меъёрдан ортиқча бўлиши "Қондаги холистерин миқдори" кўрсаткичининг нормадан 4 баробар ортишига сабаб бўлиши клиник асосланди.

Семизлик юрак қон томир тизимини мухим хавф омили бўлиб, кандли диабет 2 типини ривожланиши, гипертония ва гиперлипидемия, хамда юрак ишемик касаллигини ривожланишига олиб келади. [1,б. 175–189; 5,б. 632–642.]. Эркаклар ва аёлларда гиперхолестеринемия юрак ишемик касаллигида тарқалиши билан тўғридан тўғри боғланган. [3,б.5993–6006.]. Қондаги холестеринни пасайтириш учун йўналтирилган диетик модификациялар даволашни биринчи тадбири хисобланади. Лекин, беморларни овқатланиш тартибини тўғри бажармаслиги организмда холестерин миқдорини пасайишига тўсқинлик қилувчи липопротеидларни миқдорини кўпайишига, хаттоки паст зичликдаги липопротеидларни миқдорини кўпайишига олиб келади. Пробиотикларни қўллаш юрак қон томир касаллигини олдини олади, семизликка қарши курашади. Тизимли тажрибаларўтказилганда, *Lactobacillus* ва *Bifidobacterium* штаммлари одатда пробиотиклар сифатид ақўлланилган. [2,б. 228–242].Потенциал пробиотик механизмлар, гипохолестеренемик эффект, ўт тузларини фаол гидролизини, деконюгирланган ўткислота тузлари ёрдамида холестеринни пасайтириш, бактериал хужайр мембранаси ассимиляцияси ва холестеринни конганпростанолга ўтиши холестерин ферменти редуктазаси ва SCFA s таъсири ўрин эгаллайди. [4,б. 36–49]. Ичак микробиотасига таъсир этувчи диетик аралашув кардиометаболиккасалликларни даволашда янги ва

иқтисодий нафли усул хисобланади. Изланишлардаги маълумотларга кўра, ферментланувчи углеводлар ичак микробиотасини таркибига яхши таъсирэтади, юқори миқдорда хайвон оксили ва ёғлар ичак микробиотасини таркибига негатив таъсир этади. Доимий ва етарли даражада пробиотикларни қўллаш юрак қон томир хавф омилларини пасайтиради.[5,б. 632–642].

Тадқиқотнинг мақсади: юрак ишемик касаллиги мавжуд беморларда ичак микробиотасининг ўзгариши проатероген метоболит триметиламин-N-оксидни ишлаб чикишига таъсир кўрсатишини хисобга олган холда бахолаш, даволаш ва олдини олиш учун профилактик чора тадбирлар ишлаб чикиш.

Тадқиқотнинг объекти: юрак ишемик касаллиги билан хасталанган 90 нафар беморда клиник тадқиқотлар ўтказилди ва 30 нафар ЮИК билан хасталанмаган соғлом назорат гурухи.

Тадқиқот предмети: Андижон давлат тиббиёт институти терапевтик бўлимларда ётиб даволанган, юрак ишемик касаллиги турғун зўриқиш стенокардияси билан даволанаётган беморларнинг клиник текширув натижаларини таҳлил қилишдан иборат.Барчасини қонида қисқа занжирли пептидлар, триметиламин N оксид, холестерин, липоротеидлар паст, ўта паст ва юқори зичликда ўрганилди. Қондаги барча биохимиёвий ўзгаришлар 4 та гурухда ўрганилган (1 жадвал).

1 Жадвал. Қоннинг биокимёвий тахлил натижалари 4 та гурух кесимида

Ўзгарувчанлар		1-гурух	2-гурух	3-гурух	P	Жами
		(N=30)	(N=30)	(N=30)		(N=90)
Қондаги холецистокинин миқдори	Норма	3 (10.0%)	9 (30.0%)	2 (6.7%)	<0,001	14 (15.6%)
	Патология	27 (90.0%)	21 (70.0%)	28 (93.3%)		76 (84,4%)
Қондаги холестерин миқдори	Норма	8 (26.7%)	15 (50.0%)	13 (43.3%)	<0.001	36 (40.0%)
	Патология	21 (70.0%)	16 (53,3%)	17 (56.7%)		54 (60,0%)
Қондаги тригилицирид миқдори	Патология	22 (73.3%)	28 (93.3%)	15 (50.0%)	<0.01	65 (72,2%)
	Норма	8 (26.7%)	2 (6.7%)	15 (50.0%)		25 (27,7%)
Паст зичликка эга липопротеинлар	Норма	1 (3.3%)	5 (16.7%)	3 (10.0%)	<0.01	9 (8.3%)
	Патология	29 (96.7%)	26 (86,7%)	26 (86,7%)		81 (90.0%)

Юқори зичликка эга липопротеинлар	Патология	2 (6,7%)	1 (3.3%)	1 (3,3%)	<0.001	27 (22.5%)
	норма	28 (93,3%)	29 (96,7%)	29 (96,7%)		86 (95,5%)

Юқоридаги жадвалда кўрганимиздек барча гурухларда ХЦК-8 ни патологик кўрсаткичлари кузатилди: 1гурухда 27 нафар беморда (90.0%) га, 2 гурухда 21 нафар (70.0%); 3 гурухда 28 нафар беморда (93.3%) ТМАО ортиши билан ХЦК -8 ни ортиши кузатилди (p<0,001); Умумий кўрсаткичда учала гурухда 76 нафар беморда 84,4% ХЦК-8 ортиши кузатилди.

Триглицеридни кўриб чиққанимизда учала гурухда мос равишда; 1 гурух-21 (70.0%) да, 2 гурух -16 нафарбеморда (53,3%), 3 гурух- 17 нафар (56.7%). 54 нафар ЮИК билан хасталанган беморда тригилцеридлар ортиши кузатилди 60%.(p<0,01)

Холестеринни кўриб чиққанимизда 1 гурухда 22 нафарда (73.3%), 2 гурухда 28 (93.3%), 3 гурухда 15 (50.0%) нафардакузатилди. Умумий ЮИК билан хасталанган 65 нафарбеморда холестерин ортиши кузатилди 72,2% га (p<0,001).

Паст зичликдаги липопротеидлар ва ТМАО миқдорини биргаликда ортиши кўриниб турибди. 1 гурухда 29 нафар беморда (96.7%), 2 гурухда 26 нафар беморда (86,7%), 3 гурухда 26 нафар беморда (86,7%) кузатилган ва ЮИК билан хасталанган беморларни 81 нафарида 90% паст зичликдаги липопротеинлар ортиши кузатилди.

Юқори зичликдаги липопротеидларни ўрганганимизда ТМАО ортиши билан юқори зичликдаги липопротеинлар пасайиши ва атеросклероз химояси пасайиши кузатилди. 1 гурухда 28 нафарда (93,3%), 2 гурухда 29 нафарда (96,7%); 3 гурухда 29 нафарда (96,7%) кузатилди. ЮИК билан хасталанган 86 нафар беморда 95,5% беморда юқори зичликдаги липопротеинлар пасайиши кузатилди. (p<0,001).

Шу кўрсаткичларни расмларда кўрганимизда назорат гурухига нисбатанан ХЦК-8, холестерин, триглицерид , паст зичликдаги липопротеидлар ортиши яққол намоён бўлган.

2 Жадвал. Кўрсаткичларни ишончлик даражалари

Ўзгарувчанлар		OR	95 CI		p
Қондаги холецистокинин миқдори	норма	Ref.			
	патология	49,4	14,79	229,83	<0,001
Қондаги холестерин миқдори	норма	Ref.			
	патология	0,27	0,1	0,66	0,006
Қондаги	норма	Ref.			

триглицерид миқдори	Патология	0,40	0,11	1,16	0,118
Паст зичликка эга липопротеинлар	норма	Ref.			
	Патология	0,30	0,02	1,71	0,266
Юқори зичликка эга липопротеинлар	Патология	546,0	79,85	1169,57	<0,001
	Норма	Ref.			
Қондаги АЛТ миқдори	Норма	Ref.			
	Патология	2,73	1,02	8,71	0,062
Қондаги АСТ миқдори	Норма	Ref.			
	Патология	4,74	1,51	20,9	0,016

ТМАО концентрациясининг ортиши оқибатида респондентлар қонининг биокимёвий таҳлили кўрсаткичларининг ўзгариши ўрганилиб, қуйидаги натижалар олинди.

ТМАО миқдори меъёрдан ортиқча бўлиши "Қондаги холецистокинин миқдори" кўрсаткичининг патологик даражада ортиш эхтимоллигини 50 баробар ортишига сабаб бўлиши клиник асосланди [OR = 49.4], Эйлер константаси асосида хисобланган ишонч интервали ва Фишернинг р қиймати ҳам олинган натижалар статистик аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди [CI 95% (14.79-229.83) p-value <0.001].

ТМАО миқдори меъёрдан ортиқча бўлиши "Қондаги холистерин миқдори" кўрсаткичининг нормадан 4 баробар ортишига сабаб бўлиши клиник асосланди [OR = 0.27], Эйлер константаси асосида хисобланган ишонч интервали ва Фишернинг р қиймати ҳам олинган натижалар статистик аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди [CI 95% (0.1-0.66) p-value =0.006].

ТМАО миқдори меъёрдан ортиқча бўлиши "Қондаги тригилицирид миқдори"нинг 2.5 баробар ортиши клиник асосланди [OR = 0.40], Эйлер константаси асосида хисобланган ишонч интервали ва Фишернинг р қиймати эса ушбу таъсир статистик аҳамиятга эга эмаслигини кўрсатди [CI 95% (0.11-1.16) p-value =0.118].

ТМАО миқдори меъёрдан ортиқча бўлиши "Паст зичликка эга липопротеинлар" кўрсаткичининг нормада бўлиш эхтимоллигини 70% га пасатириб юбориши клиник асосланди [OR = 0.30], лекин, Эйлер константаси асосида хисобланган ишонч интервали ва Фишернинг р қиймати ушбу таъсир статистик аҳамиятга эга эмаслигини кўрсатди [CI 95% (0.02-1.71) p-value =0.266].

ТМАО миқдори меъёрдан ортиқча бўлиши "Юқори зичликка эга липопротеинлар" кўрсаткичининг патологик даражада кўтарилиш эхтимоллигини 546 баробар ортишига сабаб бўлиши клиник асосланди [OR = 546], Эйлер константаси асосида хисобланган ишонч интервали ва Фишернинг р қиймати ҳам олинган натижалар статистик аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди [CI 95% (79.85-1169.57) p-value <0.001].

ТМАО миқдори меъёрдан ортиқча бўлиши қондаги "АЛТ" кўрсаткичининг патологик даражада ортиш эхтимоллигини 2.73 баробар ортишига сабаб бўлиши клиник асосланди [OR = 2.73], Эйлер константаси асосида хисобланган ишонч интервали ушбу натижани статистик аҳамиятга эга эканлигини кўрсатган бўлсада Фишернинг р қиймати омил ва оқибат ўртасида боғлиқлик статистик аҳамиятга эга эмаслигини кўрсатди [CI 95% (1.02-8.71) p-value =0.062].

ТМАО миқдори меъёрдан ортиқча бўлиши қондаги "АСТ" кўрсаткичининг патологик даражада ортиш эхтимоллигини 4.74 баробар ортишига сабаб бўлиши клиник асосланди [OR = 4.74], Эйлер константаси асосида хисобланган ишонч интервали ва Фишернинг р қиймати ушбу натижани статистик аҳамиятга эга эканлигини кўрсатган [CI 95% (1.51-20.9) p-value =0.016]

ЮИК билан хасталанган беморларда (турғун зўриқиш стенокардияси ФС 2,3) триметиламин-N- оксидни ортиши билан липид спектр кўрсаткичлари ТГ 72,2%, ХС 58,2%, ЛППЗ 83,5% ортиши, ЛПЮЗ 69,2% пасайиши кузатилди.

Липид алмашинуви инсон организмида ичак микрофлорасини бузилишига ва атерогенез ривожланишига олиб келади. Хар бир инсонда микробиота таркиби индивидуалдир ва дислипидемия ривожланишида иштирок этиш кўрсатилган. Пробиотикларни қўллаш инсон организмида лактобактерия ва бифидумбактериялар сонини ортиради, атреосклероз ривожланишини олдини олишда асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Келажакда бундай изланишларни ортиши янгича диагностик протоколларни ва юрак қон томир хасталликларда даво профилактик чора тадбирларни ишлаб чиқишда ёрдам беради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ebel, B.; Lemetais, G.; Beney, L.; Cachon, R.; Sokol, H.; Langella, P.; Gervais, P. /Impact of probiotics on risk factors for cardiovascular diseases.// A review. *Crit. Rev. Food Sci. Nutr.* 2014, *54*, 175–189; ;
2. Ejtahed, H.-S.; Angoorani, P.; Soroush, A.-R.; Atlasi, R.; Hasani-Ranjbar, S.; Mortazavian, A.M.; Larijani, B. /Probiotics supplementation for the obesity management; A systematic

review of animal studies and clinical trials.// *J. Funct. Foods* 2019, *52*, 228–242
3. Hassan, A.; Din, A.U.; Zhu, Y.; Zhang, K.; Li, T.; Wang, Y.; Luo, Y.; Wang, G. Updates in understanding the hypocholesterolemia effect of probiotics on atherosclerosis. *Appl. Microbiol. Biotechnol.* 2019, *103*, 5993–6006.
4. Reis, S.; Conceição, L.; Rosa, D.; Siqueira, N.; Peluzio, M. Mechanisms responsible for the hypocholesterolaemic effect of regular consumption of probiotics. *Nutr. Res. Rev.* 2017, *30*, 36–49
5. Thushara, R.M.; Gangadaran, S.; Solati, Z.; Moghadasian, M.H. /Cardiovascular benefits of probiotics: A review of experimental and clinical studies. //*Food Funct.* 2016, *7*, 632–642

РЕЗЮМЕ

ВЛИЯНИЕ НА ДИСЛИПИДЕМИЮ И ИЗМЕНЕНИЕ ПОКАЗАТЕЛЯ ТРИМЕТИЛАМИНА У БОЛЬНЫХ ИШЕМИЧЕСКОЙ БОЛЕЗНЬЮ СЕРДЦА

Жураева Мохигул Азимжоновна, Холикова Дилрабо Собиржоновна
Андижанский государственный медицинский институт
dilrabohonholikova@gmail.com

Ключевые слова: микробиота кишечника, микробиом, обмен веществ, триметиламин-N оксид, липидный обмен, дислипидемия, атеросклероз, пробиотик.

Цель исследования: оценить влияние триметиламин-N-оксида на дислипидемию у больных ишемической болезнью сердца, разработать профилактические мероприятия по лечению и профилактике. **Материалы и методы**. Исследование проведено у 90 больных ишемической болезнью сердца и 30 здоровых лиц без ишемической болезни сердца. У всех них исследованы в крови короткоцепочечные пептиды, N-оксид триметиламина, холестерин, липопротеиды низкой, очень низкой и высокой плотности. **Результаты:** Оценено влияние изменения индекса триметиламин-N оксида на липидный спектр у больных ишемической болезнью сердца. **Выводы:** Клинически обосновано, что количество ТМАО, превышающее норму, вызывает показатель «Холестерин в крови». крови» увеличиться в 4 раза по сравнению с нормой.

SUMMARY

IN PATIENTS WITH ISCHEMIC HEART DISEASE CHANGE OF TRIMETHYLAMINE INDICATOR EFFECTS ON DYSLIPIDEMIA

Jorayeva Mokhigul Azimjanovna, Khalikova Dilrabo Sobirjanovna
Andijan State Medical Institute
dilrabohonholikova@gmail.com

Key words: intestinal microbiota, microbiome, metabolism, trimethylamine-N oxide, lipid exchange, dyslipidemia, atherosclerosis, probiotic.

The purpose of the study: to evaluate the effect of trimethylamine-N-oxide on dyslipidemia in patients with ischemic heart disease, develop preventive measures for treatment and prevention. **Materials and methods:** The study was conducted in 90 patients with ischemic heart disease and 30 healthy controls without coronary artery disease. All of them were studied in the blood of short-chain peptides, trimethylamine N oxide, cholesterol, lipoproteins in low, very low and high density. **Results:** The effect of the change of trimethylamine-N oxide index on the lipid spectrum in patients with ischemic heart disease was evaluated. **Conclusion:** It was clinically substantiated that the amount of TMAO in excess of the norm causes the indicator of "Cholesterol in the blood" to increase 4 times the norm.

УДК 616.035-1

СУРУНКАЛИ ЖИГАР КАСАЛЛИКЛАРИДА НУТРИТИВ СТАТУСНИ АНИҚЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ

Зокирхўжаев Шерзод Яхъяевич, Паттахова Малика Хусановна, Муталов Сардор Бахтиёр ўғли

Тошкент тиббиёт академияси

malikapattahova@gmail.com

Калит сўзлар: сурункали жигар касалликлари, нутритив статус, жигар етишмовчилиги, пархез

Сўнгги йилларда жигар касалликларига тобора кўп эътибор берилмоқда. Унинг асосий сабабларидан бири ҳар йили бутун дунёда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам мазкур касалликларнинг тобора кўпайиб бориши ва меҳнатга лаёқатли аҳолини зарарлашидир, АҚШда сўнгги йилларда ўтказилган кенг қамровли проспектив текширишларда жигарнинг сурункали диффуз касалликлари ҳар йили 100 минг аҳолидан 63,9 сида янгидан қайд этилган. Улардан 2/3 да вирусли гепатит С (42%) ёки унинг жигар алкоголли касаллиги (22%) билан бирга келиши аникданган. Шу жумладан, жигарнинг сурункали диффуз касалликларига чалинганларнинг 20% да илк бор жигар циррози ташхиси қўйилган. Юқоридагиларнинг барчаси жигар касалликларининг олдини олиш, эрта аниқлаш ва монанд даво чораларини олиб бориш нафақат тиббий, балки муҳим ижтимоий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Жигарнинг циррозга олиб келувчи касалликлари



Сўнгги йилларда ўтказилган тадқиқотлар гепатоцеллюляр етишмовчилик ва нутритив етишмовчилик орасида боғлиқлик борлигини кўрсатди [1]. Compaillo хаммуал. Берган маълумотларига кўра, 396 нафар текширилган жигар циррози касаллиги мавжуд беморлардан Чайлд-Пью бўйича А синфдаги беморларнинг 48%да ва В синфидаги беморларнинг 51,7%да ва С синфдаги беморларнинг 80,3% да оқсил-энергетик етишмовчилик аниқланган [2].

Жигар озиқ моддаларининг физик холатларини модуляция қилишда ёрдамчи вазифасини бажариши орқали хазм жараенларида мухим ахамиятга эга. Бу жараёнда ёғлар ўт кислоталари ва фосфолипидлар ёрдамида эмульгирланади. Холестерин ва ёғда эрувчи витаминларнинг ёғлар ёрдамида адсорбциялиши ва ўзлаштирилиши жигар функционал холати билан узвий боғлиқ. Бу жараёнларнинг физиологик ахамиятини холестаз, стеаторея ва ёғда эрувчи витаминлар дефицити ўртасидаги боғлиқлик асослайди. Юқорида санаб ўтилган ҳолатлар жигар касалликларида бемор нотўғри овқатланиши натижасида издан чиқади. Масалан, жигар етишмовчилигида ёғ кислоталари транспортировкасида, липопротеин структурасида, ёғ кислоталарининг периферик тўқималардаги клиренсида дефектлар хосил бўлади. Очликнинг эрта босқичларида глюкоза меъёри глюконеогенез ёрдамида бошқарилади. Нормал озиқланувчи беморларда гликоген тахминан 24 соатдан 48 соатгача сақланади, лекин керакли озиқ моддаларининг етишмаслиги натижасида бу вақт ўтгач, глюкоза фақат глюконеогенез орқали хосил бўлади. Глюконеогенез жараёни натижасида хосил бўлган азот махсулотлари жигарда параллел равишда зарарсизлантирилиши натижасида мочевина хосил бўлади. Натижада жигар етишмовчилиги холатида аминокислоталарнинг азот қолдиклари зарарсизлантирилиши издан чиқади, ҳамда қонда глютамин, аммиак ва ароматик аминокислоталар миқдори кўпаяди. Бу ўзгаришлар жигар етишмовчилигига хос бўлиб, озиқланишда оқсил ва аминокислоталарга бўлган эҳтиёжнинг аҳамиятини белгилаб беради. Жигар циррози мавжуд беморларда ароматик аминокислоталар клиренси ўрганилиши натижасида

жигар энцефалопатияси ва азотсақловчи озиқланиш ўртасида боғлиқлик борлиги аниқланган [3,4]. Қонда ароматик аминокислоталарнинг тўпланиши биринчи навбатда оқсил деструкцияси билан боғлиқ. Шу сабабли озиқланиш биринчи навбатда оқсил катаболизмини секинлаштиришга қаратилган бўлиши лозим. Жигар етишмовчилиги билан касалланган беморлар қонида аминокислоталар нисбати издан чиқиши кузатилади. Бу беморларда ароматик аминокислоталар концентрацияси кўпаяди, очиқ занжирли аминокислоталар миқдори эса камайиши кузатилади. Очиқ занжирли аминокислоталарнинг қўлланилиши триптофан, треонин, лейцин, лизин, фенилаланин, метионин, изолейцин и валин, шунингдек, аргинин и гистидин, пролин и аланин каби аминокислоталар билан етарлилича таъминлайди. Шунингдек, бу турдаги аминокислоталарнинг қўлланилиши жигар энцефалопатиясини камайтиради [5,6]. Жигар циррози билан касалланган беморларда тинч холатда энергия сарфланиши юқори даражада [7], нормал [8], ёки камайган [9] бўлиши ммкин. Тинч холатдаги гиперметаболизм тананинг мушак, хужайра ва экстрацеллюляр тўқималари ёқотилиши билан боғлиқ. Шу сабабли жигар циррози билан касалланган беморларда гиперметаболизмни эрта аниқлаш, овқатланишни назоратга олиш, нутритив статус издан чиқишини коррекция қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Нутритив статусни аниқлаш учун зарур бўлган лаборатор усуллардан – бу умумий оқсил, плазма альбумини, қонда глюкоза миқдори, лимфоцитлар миқдора, умумий холестерин, калий, натрий, суткалик пешобда креатинин ва мочевина миқдоридир. Қўшимча текширувларга эса трансферрин, лактат, триглицеридлар, магний, кальций, фосфор, темир киради.

Хозирги кунда нутритив статусни аниқлашнинг бир неча турлари мавжуд. Булардан бири Нутритив хавф индекси (Nutritional Risk Index) NRI бўлиб, у қуйидаги формула ёрдамида аниқланади: NRI = 1, 519 х плазма альбумини (г/л) + 0, 417 х (тана массаси 1 (кг) / тана массаси 2 (кг) х 100), бунда 1 – тана массаси – бу текширув вақтидаги масса, 2 – тана массаси – бу одатдаги тана массаси. NRI кўрсаткичига қараб беморларда нутритив статус холатига қуйидагича бахо берилади: нутритив етишмовчилик йўқ (NRI>97,5), ўрта нутритив етишмовчилик (97,5>NRI>83,5), оғир нутритив етишмовчилик (NRI<83,5).

Бундан ташқари SGA, (Subjective Global Assessment), NRS (Nutritional Risk Screening), MUST (Malnutrition Universal Screening Tool) каби нутрицион индекслар мавжуд.

Хулоса қилиб шуни айтиш лозимки, сурункали жигар касалликларида нутритив етишмовчилик кўпчилик беморларда аниқланади. Овқатланишнинг етишмовчилиги ўз навбатида иммунитетнинг хужайра бўғимига таъсир кўрсатади. Аниқланган нутритив етишмовчилик беморларни ниҳоятда эътибор билан даволашни талаб қилади, чунки бу ҳолатлар беморларда кейинчалик асоратларга сабаб бўлиши мумкин.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. *Tsiaousi, E. T.* Malnutrition in end stage liver disease: recommendations and nutritional support/E. T., Tsiaousi A. I. Hatzitolios, S. K. Trygonis e t. al.//J. Gastroenterol Hepatol. — 2008. — Vol. 23, № 4. — P. 527 – 533.
2. *Campillo, B.* Evalution of nutritional practice in hospitalized cirrhotic patients: results of a prospective study/B. Campillo, J. P. Richardet, E. Scherman et. al.//J. Nutrition.— 2003. — Vol. 19, № 6. — P. 515 – 521.
3. Fan S.T., Lo C.M., Lai E.C. et al. Perioperative nutritional support in patients undergoing hepatectomy for hepatocellular carcinoma. N Engl J Med 1994;331:1547–52.
4. Weimann A., Braga M., Harsanyi L. et al. ESPEN Guidelines of Enteral Nutrition: Surgery including Organ Transplantation. Clinical Nutrition 2006;25:224–44.
5. Harrison J., McKiemann J., Neuberger J.M. A prospective study on the effect of recipient nutritional status on outcome in liver transplantation. Transplantation 1997;10:369–74.
6. Shronts E.P., Teasley K.M., Thoele S.L., Cerra FB. Nutrition support of the adult liver transplant candidate. J Am Diet Assoc 1987;87:441–51.
7. Seeler R.A., Hahn K. Jaundice in urinary tract infection in infancy. Am J Dis Child
1969;118:553–8.
8. Shanbhogue R.L.K., Bistrian B.R., Jenkins R.L. et al. Resting energy expenditure
in patients with end-stage liver disease and in normal population.JPEN1987;11:305–8.
9. Merli M., Riggio O., Romiti A. et al. Basal energy production rate and substrate use in stable cirrhotic patients. Hepatology 1990;12:106–12.

РЕЗЮМЕ

ВАЖНОСТЬ ОПРЕДЕЛЕНИЯ НУТРИТИВНОГО СТАТУСА ПРИ ХРОНИЧЕСКИХ ЗАБОЛЕВАНИЯХ ПЕЧЕНИ

Закирходжаев Шерзод Яхъяевич, Паттахова Малика Хусановна, Муталов Сардор Бахтиёр уғли

malikapattahova@gmail.com

Ташкентская медицинская академия

Ключевые слова: хронические заболевания печени, нутритивный статус, печёночная недостаточность, диета

Рациональная питательная поддержка больных с заболеваниями печени актуальна по той причине, что у пациентов, имеющих выраженные нарушения в питательном статусе, наблюдаются значительно худшие клинические результаты. Это особенно важно для больных с декомпенсацией, так как они обычно страдают от недостаточности питания и имеют высокий риск осложнений и смертности.

SUMMARY

THE IMPORTANCE OF DETERMINING NUTRITIONAL STATUS IN CHRONIC LIVER DISEASES

Zakirkhodzhaev Sherzod Yakhyaevich, Pattakhova Malika Khusanovna, Mutalov Sardor Bakhtiyor Ugly

malikapattahova@gmail.com

Tashkent Medical Academy

Keywords: chronic liver diseases, nutritional status, hepatic insufficiency, diet

Rational nutritional support for patients with liver diseases is important because patients with significant disturbances in nutritional status usually experience worse clinical outcomes. This is particularly crucial for patients with decompensation, as they often suffer from malnutrition and have a high risk of complications and mortality.

УДК: 549.621.9:616.441-008.64-08

ANOR PO'STLOG'I EKSTRAKTINING SHIFOBAXSH XUSUSIYATLARI

Karimova Shaira Fatxullaevna, Suleymanova Gulchexra Gaybullaevna, Dadaxodjayeva Moxidil Ravshanbekovna

Toshkent pediatriya tibbiyot instituti

kshf53@mail.ru

Kalit sozlar: Gipotirioz, tireoid gormon, triyodtrionin, tireotrop faollik, anor po'stlog'i ekstrakti, eksperimental guruhlar.

Dolzarbligi. Gipotirioz - bu organizmda qalqonsimon bez gormonlarining uzoq muddatli, doimiy etishmovchiligi yoki ularning biologik ta'sirining to'qimalar darajasida pasayishi natijasida yuzaga keladigan klinik sindrom. Qalqonsimon bez gormonlari etishmovchiligi bilan barcha organlar va tizimlarda o'zgarishlar rivojlanadi, bu uning klinik ko'rinishlarining polisistemik xususiyatini belgilaydi. Hujayra darajasidagi asosiy o'zgarish hujayra tomonidan kislorod iste'molining pasayishi, oksidlanishli fosforlanish va ATP sintezi intensivligining pasayishi hisoblanadi. Hujayrada energiya etishmovchiligi kuzatiladi, fermentlarning sintezi pasayadi va metabolizm jarayonlari sekinlashadi. Profilaktika maqsadida butun dunyoda oziq-ovqat mahsulotlarini yodlash qo'llaniladi; davolash uchun, qalqonsimon bez gormonlari bilan almashtirish terapiyasi, qalqonsimon bez to'qimalarining transplantatsiyasi va boshqalardan foydalaniladi. L-T4 ning kichik terapevtik diapazoni uning dozasini ehtiyotkorlik bilan tanlashni talab qiladi. Doza gipotiroidizmning etiologiyasiga, bemorning tana vazniga, birga keladigan kasalliklarning mavjudligiga va boshqa dorilarni qo'llashga qarab farq qilishi mumkin. [1,2,3]. Biroq, bu usullarning bir qator ma'lum kamchiliklari bor: dozani oshirib yuborish, to'qimalarni rad etish, donorlardagi qiyinchiliklar va boshqalar. Ushbu kasallikni davolashning qiziqarli va istiqbolli usuli, bizning fikrimizcha, anor po'stlog'i ekstraktining kalamushlarda qalqonsimon bez bilan bog'lik bo'lgan kasalliklarning kechishiga ta'sirini eksperimental o'rganish bo'lishi mumkin. Adabiyotda ko'rsatilgandek [4] anor po'stlog'i ekstrakti tarkibida glutationperoksidaza fermenti mavjud bo'lib, u

tarkibida qalqonsimon bez gormonlarining periferik metabolizmi uchun muhim bo'lgan selen elementini saqlaydi.

Materiallar va tadqiqot usullari. Tajribalar quyidagi kalamushlarda o'tkazildi: 1 - o'sayotgan kalamushlar, ulardan ikkita oldingi avlod standart ratsionda saqlangan, 2 - eksperimental guruhning kalamushlari butun hayoti davomida yod iste'moli tanqisligi (70% ga) darajasida saqlangan. Nazorat guruhida yod iste'moli kuniga 34,0 mkg ni tashkil etdi, bu umumiy qabul qilingan nazorat doirasida, eksperimental guruhda esa 4,0 mkg / kun. Yemdagi yod kontsentratsiyasi Shtols usuli yordamida o'lchandi. [5].

Ekstrakt quyidagicha tayyorlanadi: 100 g anor po'stlog'i 24 soat davomida pH 3,4 ga etguncha oksalat kislotasi qo'shilgan 1 litr sovuq distillangan suvda ushlandi. 45 ml ichimlik suviga 5 ml ekstrakt qo'shildi. Barcha hayvonlarda tireod statusining quyidagi ko'rsatkichlari o'rganildi:

- qon zardobidagi tiroksin va triyodtronin miqdori (Minsk bioorganik kimyo institutining tayyor to'plamlaridan foydalangan holda RIA):
- sxema bo'yicha 4-6 mikronlik gistologik kesmalarni bo'yash yordamida gipofiz bezining tirotrop faolligi: adenogipofizdagi tirotrop hujayralarni hisoblash imkonini beruvchi alsian ko'ki - PAS –zarg'aldoq, G qo'llash bilan.

Ekstrakt olmagan guruhlardagi farqlarning ishonchligi nazorat guruhga nisbatan, ekstrakt olgan guruhlarda esa ekstraktisiz guruhlarga nisbatan hisoblab chiqilgan.

Natijalar va muhokama. Olingan ma'lumotlardan (1-jadval) ko'rinib turibdiki, yod tanqisligi guruhidagi kalamushlar qonida tiroksin kontsentratsiyasi pasayadi va triyodtironin miqdori o'zgarmaydi; bu gormonlar kontsentratsiyasining nisbati T3 foydasiga o'zgaradi.

Bir oy davomida anor po'stlog'i ekstraktidan foydalanish ikkala gormon konsentratsiyasining oshishiga olib keldi va faqat nazoratda, ekstrakt olgan hayvonlarda T3 ulushining ko'payishi aniqlandi.

Anor po'stlog'i ekstraktining 3 oy davomida qabul qilinishining turli eksperimental guruhlardagi kalamushlarning qon zardobidagi T4 va T3 kontsentratsiyasiga ta'sirini o'rganish natijalari 2-jadvalda keltirilgan.

Olingan ma'lumotlar shuni ko'rsatadiki, surunkali yod tanqisligi to'rt oylik kalamushlarning qon zardobida qalqonsimon gormonlar kontsentratsiyasining pasayishiga olib keladi.

Triyodtironin miqdorini oshish moyilligi belgilangan bo'lishiga qaramay, yod tanqisligi kuzatilgan hayvonlarda ekstraktni uch oy davomida qo'llash T3 va T4 qiymatlarini o'zgartirmadi

Shu bilan birga, anor po'stlog'i ekstraktini uch oy davomida qo'llash bu nisbatning pasayishiga olib keldi.

Gipofiz bezining tirotrop faolligini o'rganish natijalari 3-jadvalda keltirilgan.

Taqdim etilgan ma'lumotlardan ko'rinib turibdiki, yod tanqisligi gipofiz bezining tirotrop faolligining oshishiga olib keladi. Shuningdek ekstraktni bir oy qabul qilganda ham, uch oy qabul qilingan xolatda ham gipofiz bezining tirotrop

faolligining yuqori darajada sezilarli bo'lmasa ham, ishonarli ko'tarilishiga olib keldi.

1-Jadval.

Anor po'stlog'i ekstraktining bir oy davomida qabul qilinishining turli eksperimental guruhlardagi kalamushlarning qon zardobidagi qalqonsimon gormonlar kontsentratsiyasiga ta'siri.

Eksperimental guruhlar	T 4 (n mol / l)	T 3 (n mol / l)
K	108,7 ± 3,44	1,12 ± 0,10
K E	120,2 ± 4,12	1,45 ± 0,08*
O	73,5 ± 3,14*	1,07 ± 0,05
O E	108,4 ± 2,14*	1,20 ± 0,04*

*- Farqlar ishonchli

2-Jadval.

Anor po'stlog'i ekstraktini 3 oy davomida qabul qilishning turli eksperimental guruhlardagi kalamushlarning qon zardobidagi qalqonsimon gormonlar kontsentratsiyasiga ta'siri (n - 4)

Eksperimental guruhlar	T 4 (n mol / l)	T 3 (n mol / l)
K	91,5 ± 2,31	1,37 ± 0,02
K E	60,8 ± 1,89*	0,57 ± 0,05
O	70,2 ± 1.36*	0,70 ± 0,09
O E	65,2 ± 1,49	0,78 ± 0,12

*- Farqlar ishonchli

3-Jadval.

Anor po'stlog'i ekstraktining turli eksperimental guruhlardagi kalamushlarda gipofiz bezining tirotrop faolligiga ta'siri

Eksperimental guruhlar	Tireotroflar %			
	Ikki oylik kalamushlar		To'rt oylik kalamushlar	
	n	M ± m	n	M ± m
K	3	12,8 ± 0,29	7	13,8 ± 0,21
K E	3	19,7 ± 0,15*	3	17,6 ± 0,06*
O	3	33,5 ± 0,04*	8	26,8 ± 0,34*
O E	3	25,2 ± 0,06*	3	34,1 ± 0.17*

*- Farqlar ishonchli

XULOSALAR

Adabiyotlardan ma'lumki, qalqonsimon bezda normal metabolizm uchun zarur bo'lgan yod miqdori etarli bo'lmaganda va bundan tashqari, organizmning tireoid ta'minoti pasayganda, gipofizning tireotrop gormoni ta'siri orqali boshqariladigan ba'zi adaptiv jarayonlar faollashadi [6,7,8].

Ushbu ta'sirning oqibati surunkali yod tanqisligining asosiy klinik belgisi bo'lgan buqoqning rivojlanishidir.

Tireoid gomeostazini saqlab turishdagi ko'rsatilgan zvenoning ishlashi gipofiz- tireoid tizimidagi kuchlanishni kamaytirishga qaratilgandir [9,10].

Bizning natijalarimiz anor po'stlogi ekstraktining qon aylanish doirasidagi qalqonsimon bez gormonlari kontsentratsiyasiga aniq ta'sirini ko'rsatdi.

Ushbu o'zgarishlarni faqat periferik T4 ni deyodlanishni kuchayish ehtimoli bilan bog'lab bolmaydi, chunki bunday holda T3 kontsentratsiyasining sezilarli o'sishi o'rinli bo'lardi. Shundan kelib chiqqan holda, ko'rsatilgan kalamushlar guruhlarida tirotrop funktsiyani normallashuvini kutish kerak edi.

Biroq, natijalar ekstrakt ta'sirida yod tanqisligi bo'lgan hayvonlarda nafaqat tireotrop qo'zg'aluvchanlik zaiflashishini, balki, aksincha, ekstraktdan foydalanish bilan deyarli barcha guruhlarda kuchayganligini ko'rsatadi.

Ushbu ma'lumotlar olingan barcha natijalarni sinchkovlik bilan talqin qilishni talab qiladi va ekstraktning dozasi va davomiyligini tanlash va kuzatilgan ta'sir mexanizmi aniqlanmaguncha tadqiqotni chuqurlashtirish zarurligini ko'rsatadi.

ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Национальное руководство «Эндокринология» Москва, «Геотар-Медиа», 2016

2. Киеня Т.А., Моргунова Т.Б., Фадеев В.В. Вторичный гипотиреоз у взрослых: диагностика и лечение// Клиническая и экспериментальная тиреоидология. - 2019 –Т.15 – N.2 – С. 64 – 72

3. Носачева Е.П., Цаликова Т.П., Макинская Д.А. // Биотехнология. 1996 № 2. -----С 68-69.

4.Greb M., Oetzel M., Muller A., Brechlin, Rekos H., Kohrle J. // Actaendocrinologika 1992, 126, Suppl 4. Pregra of plenare and advance abstract, s 175.

5. Штольц В. // Проблемы эндокринологии и гормонотерапии.—1963. Т.9. №1. С. 56-62.

6. Singh N, Singh PN, Hershman JM 2000 Effect of calcium carbonate on the absorption of levothyroxine. JAMA : the journal of the American Medical Association 283:2822-2825.

7. Roos A, Linn-Rasker SP, van Domburg RT, Tijssen JP, Berghout A 2005 The starting dose of levothyroxine in primary hypothyroidism treatment: a prospective, randomized, doubleblind trial. Archives of internal medicine 165:1714-1720.

8. He Q, Heo M, Heshka S, Wang J, Pierson RN, Jr., Albu J, Wang Z, Heymsfield SB, Gallagher D 2003 Total body potassium differs by sex and race across the adult age span. The American journal of clinical nutrition 78:72-77

9.Yassa L, Marqusee E, Fawcett R, Alexander EK 2010 Thyroid hormone early adjustment in pregnancy (the THERAPY) trial. J Clin Endocrinol Metab 95:3234–3241

10. shitovidki.ru

SUMMARY
ABOUT THE HEALING PROPERTIES OF POMEGRANATE BARK EXTRACT

Karimova Shaira Fatkhullaevna, Suleimanova Gulchekhra Gaibullaevna, Dadakhodjaeva Mokhidil Ravshanbekovna

Tashkent Pediatric Medical Institute

kshf53@mail.ru

Key words: Hypothyroidism, thyroid hormone, triiodtronin, thyroid-stimulating activity, pomegranate bark extract, experimental groups.

The effect of pomegranate bark extract on the course of hypothyroidism was experimentally studied. A clear stimulating effect of pomegranate bark extract on the concentration of thyroid hormones in the circulating blood was revealed. The results indicate not only a weakening of thyroid-stimulating stimulation in iodine-deficient animals under the influence of the extract, but, on the contrary, its strengthening in almost all groups with the use of the extract.

РЕЗЮМЕ
О ЦЕЛЕБНЫХ СВОЙСТВАХ ЭКСТРАКТА ИЗ КОРЫ ГРАНАТА

Каримова Шаира Фатхуллаевна, Сулейманова Гулчехра Гайбуллаевна, Дадаходжаева Мохидиль Равшанбековна

Ташкентский педиатрический медицинский институт

kshf53@mail.ru

5	2-хлор-3-(6,7-диметокси-1,2,3,4-тетрагидроизохинолин-1-ил) -8-метилхинолин гидрохлорид (3)	0.1	1300.0 (1171.2±1443.0)	7.1±1.6	30.3
		0.5		5.2±1.4	49.0
		1.0		4.5±1.1	**55.8**
		5.0		4.8±2.3	52.9
		10.0		5.5±2.4	46.0
6	1-(4-нитрофенил)-N-бензил-6,7-метилендиокси-1,2,3,4-тетрагидроизохинолин гидрохлорид (4)	0.1	1250.0 (186.9±1437.5)	5.9±1.2	42.1
		0.5		5.4±1.3	47.0
		1.0		4.6±1.8	**54.9**
		5.0		4.8±1.5	52.9
		10.0		5.3±2.1	48.0

В работе [4] показано, что среди 28 НПВС, согласно новейшему исследованию SOS, риск развития инфаркта миокарда не ограничивался лишь коксибами. В качестве примера приводятся также известные НПВС: кетопрофен, целекоксиб, нимесулид, мелоксикам, напроксен, ибупрофен, эторикоксиб, диклофенак, индометацин, кеторолак.

Заключение. Экспериментальные и литературные данные указывают, что поиск безопасных анальгетических препаратов для применения в качестве НПВС до настоящего времени является актуальным и производные изохинолина могут являться альтернативой.

СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ

1. Амелин А.В.Современные анальгетики. Стремимся к эффективности и безопасности. Consilium Medicum.2015;17 (2):34–35.
2. Клиническая фармакология нестероидных противовоспалительных средств. Под ред. Ю.Д.Игнатова, В.Г.Кукеса, В.И.Мазурова. М.: ГЭОТАР-Медицина, 2010.
3. Беленький М.Л. «Элементы количественной оценки фармакологического эффекта», Мендиз, Ленинград. 1963. 146 с. (Belenkiy M.L. «Elementiy kolichestvennoy otsenki farmakologicheskogo effekta», Mendiz, Leningrad. 1963, 146.
4. Castellsague J., Riera-Guardia N., Calingaert B., et al. // Drug Saf. – 2012/ – Vol.35. – P.1127–1146.

SUMMARY

ACUTE TOXICITY AND ANALGESIC ACTIVITY OF SOME 1,2,3,4-TETRAHYDROISOXINOLINE DERIVATIVES IN THE ACETYLCHOLINE WRITHING TEST

Miskinova Fazilat Xudayorovna, Azamatov Azizbek Azamat o'g'li, Shukurlaev Kadir Shukurlayevich,Tursunkhodjaeva Firuza Muratovna

[1]*Urgench branch of TMA MH RUz*

[2]*Institute of Chemistry of Plant Substances named after S.Yu.Yunusov of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan*

fazilat.xudayorovna@gmail.com

azizbek.azamatov@bk.ru

Keywords: 1,2,3,4-tetrahydroisoxinoline, acetyline writhing, cyclooxygenase 1, cyclooxygenase 2, ketoprofen,

Natural and synthetic compounds based on tetrahydroisoquinolines (THIC) exhibit a variety of biological activities, which makes possible to develop derivatives with powerful biological activity. In this work, the acute toxicity of compounds 1-4 was studied. It was shown that the acute toxicity of compounds 1, 3 and 4 is lower than the toxicity of the reference drug ketoprofen by 3, 3.6 and 3.5 times, respectively. The studied compounds at doses of 1–5 mg/kg in the acetylcholine writhing test showed a pronounced analgesic effect, which, however, was inferior to that of ketoprofen. The most pronounced effect on this model was shown by substance 3 at a dose of 1 mg/kg (56%). Further study of the analgesic action of compounds of this class is of current interest.

РЕЗЮМЕ

1,2,3,4-TETRAGIDROIZOXINOLIN HOSILALARINING O'TKIR TOKSIKLIGI VA OG'RIQ QOLDIRUVCHI FAOLLIGINI "ATSETIXOLINLI BURISHISH" TESTI.

Miskinova Fazilat Xudayorovna, Azamatov Azizbek Azamat o'g'li, Shukurlaev Kadir Shukurlayevich,Tursunkhodjaeva Firuza Muratovna

O'zR SSV TTA Urganch filiali

O'zR FA S.Y.Yunusov nomidagi O'simlik moddalar kimyosi institute
fazilat.xudayorovna@gmail.com
azizbek.azamatov@bk.ru

Kalit so'zlar: 1,2,3,4-tetragidroizoxinolin, asetilxolinli burishish, siklooksigenaza -1, siklooksigenaza- 2, ketoprofen,

Tetragidroizoxinolinlar asosidagi tabiiy va sintetik birikmalar turli xil biologik faollikni namoyish etadi, bu esa kuchli biologik faollikka ega hosilalarni ishlab chiqish imkonini beradi. Tadqiqotimizda 1-4 birikmalarning o'tkir toksikligi o'rganildi, 1, 3 va 4 birikmalarning o'tkir toksikligi ketoprofen etalon preparatining toksikligidan mos ravishda 3, 3,6 va 3,5 martaga past ekanligi ko'rsatildi. O'rganilgan birikmalar 1-5 mg/kg dozada atsetilxolinni burish testida aniq analgetik ta'sir ko'rsatdi, ammo bu ketoprofennikidan past edi. O'rganilgan birikmalardan ushbu modelga eng aniq ta'sir 3-modda tomonidan 1 mg / kg (56%) dozasida ko'rsatilgan. Ushbu toifadagi birikmalarning analgetik ta'sirini qo'shimcha o'rganish kerak.

УДК:617,52:616,591(042,4)=512,4

ЮЗ-ЖАҒ СОҲА ТЕРИСИНИНГ ЮЗАКИ ЭПИДЕРМИС ВА ДЕРМА ҚАВАТЛАРИ ШИКАСТЛАНГАН ЯРАГА ГЕМОБЕН КУКУНИ ҚЎЛЛАНГАНДАГИ МОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАР

[1]Оқбоев Заирулло Бўриевич, [2]Исроилов Ражаббой Исроилович
[1]Тошкент Тиббиёт Академияси Термиз Филиали,Термиз шаҳри
[2]Республика патологик анатомия маркази
zairulloburiyevich2727@gmail.com

Калит сўзлар: гемобен, қон кетиш, эксперимент, деструкция, пролиферация, лаҳта, инфильтрация.

Долзарблиги. Операция пайтидаги ва операциядан кейинги яралардан қон кетиш замонавий жарроҳликнинг мухим муаммоларидан бири ҳисобланади. Жаҳон адабиётининг маълумотларига кўра операциядан кейинги яралардан қон кетиш операциядан кейинги даврнинг кечишини ёмонлаштиради ва оғир асоратларга ҳам олиб келиши мумкин(1,3).

Юқорида келтирилган фактлардан келиб чиқиб операция пайтида ва операциядан сўнги қон кетишларни гемостатик препарат Гемобен кукуни ёрдамида тўхтатишни ўрганиш долзарб эканлигини ишонч билан айтиш лозимдир.

Тадқиқотнинг мақсади: экспериментда теринниг юзаки эпидермис ва дерма қаватлари шикастланганда гемостатик препарат Гемобен кукуни махаллий қўлланилганда тўқималардаги морфологик ўзгаришларни аниқлаш.

Материал ва методлари:Эксперимент Шиншилла наслли, вазни 2.5-3.0 кг бўлган қуёнларда икки гуруҳга бўлиб ўтказилди.

1 гуруҳ. Интакт қуёнлар- 6та

2 гуруҳ. Юзаки яра хосил қилинган қуёнлар- 6та.

Қуёнларга берилган эфир наркози остида эксперимент сохасидаги туклар қириб тозалангач, жағ ости ва дахан ости сохаларида ўткир йўл билан яралар хосил килинди. Қон оқаётган ярага Гемобен кукуни сепилиб қон тўхтатилди ва яралар ипак чоклари ёрдамида тикилиб, асептик боғлам қўйилди ва керакли муолажалар белгиланди.

Текширишлар экспериментнинг 3чи,5чи ва 10чи кунларида ўтказилди, экспериментал қуёнлар декапутация усулида тажрибадан чиқарилди.

Гистологик текширишлар учун экспериментал яранинг четидан фрагментлар олинди. Хар бир макропрепаратдаги тук қолдиклари қириб тозаланди. Шундан сўнг макропрепат 48 соат давомида нейтрал формалинда фиксация қилинди. Кейинги харакатлар умумий усуллар асосида ўтказилди ва парафинга қўйилди. Парафин блоклардан микротом ёрдамида, қалинлиги 5-8 мкм кесимлар тайёрланди ва Ван-Гизон ва Гематоксилин - эозин усулларида бўялди.

Текшириш натижалари ва уларнинг муҳокамаси. Юз-жағ соҳа терисида тажрибавий яра пайдо қилинганда, дерманинг бир қисми шикастлантирилиб, олиб ташланганда, дерманинг чуқур жойлашган соҳалари, яъни таркибидаги бириктирувчи тўқима ва сон-саноқсиз қон томирлар ёрилиб, яра юзасидан қон оқганлиги кузатилади. Оқган қонни тўхтатиш мақсадида яра юазсига янги қон тўхтадагиган препарат гемобен сурилганда 1-2 минут давомида қоннинг ивиб, қотиб тўхтаганлиги аниқланди. Терининг яраланган, қон тўхтатилган соҳалари тўқимаси микроскопик жиҳатдан ўрганилганда маълум бўлдики, шикастланган дерма юзасида тўқима тузилмалари, қоннинг оқ таначалари, қоннинг қизил таначалари, ҳамда плазма оқсиллари гемобен таъсирида ивиб, ҳар хил катталикдаги қумоқ-қумоқ кўринишдаги деструкцияланган маҳсулотларни пайдо қилганлиги аниқланади. Яра юзасидан чуқурлашиб борган сари дерманинг толали тузилмалари дезорганизацияланиб, бўкиб, гомогенлашиб, бетартиб жойлашганлиги кузатилади (1-расм). Натижада, толалар орасидаги бириктирувчи ҳужайралари ҳам бетартиб жойлашганлиги аниқланади. Дерманинг қон томирлари деярлик барчаси спазм ҳолатдалиги, морфологик жиҳатдан девори шиш ҳисобига қалинлашганлиги, бўшлиғи торайганлиги аниқланади.

Микроскопнинг катта объективида ўрганилганда маълум бўлдики, юз-жағ соҳа терисининг юзаки ярасида дерма тўқимаси шикастланганлиги ва яра юзасини ҳар хил кўринишдаги парчаланган тўқима тузилмалари қоплаганлиги аниқланади. Ушбу тўқима тузилмалари асосан толали тузилмалардан, оралиқ моддадан ва парчаланган ҳужайралардан ташкил топганлиги кузатилади. Тўқима тузилмалари орасида қон томирлардан оқган қон таркибий қисми, яъни оқ қон таначалари, қизил қон таначалари ва плазма оқсиллари алоҳида алоҳида ивиганлиги, айрим соҳаларида бир-бири билан қўшилиб, йирик лаҳталар пайдо қилганлиги аниқланади (2-расм). Яра юзасига яқин соҳаларида бириктирувчи тўқима ҳужайраларининг фаоллашганлиги ва кам миқдорда яллиғланиш ҳужайралари пайдо бўлганлиги аниқланади. Дерма тўқимаси қанчалик чуқур кириб борган сари

толалари кўп, ҳужайралари камлиги кузатилади. Толали тузилмалари шишган, бўкган ва бетартиб жойлашганлиги аниқланади.



1-расм. Хайвонлар юз-жағ соҳа териси юзаки яраси, 3-кун, гемобен сурилган, яра юзасида қон таначалари алоҳида-алоҳида ивиб, лаҳталар пайдо қилган. Бўёқ: Г-Э. Кат: 10х10.



2-расм. Яра юзасида тўқима парчалари, қон таначаларининг ивиб, лаҳталарга айланганлиги. Бўёқ: Г-Э. Кат: 10х100.

Юз-жағ соҳа терисида юзаки яра пайдо қилиб, ундан кетадиган қонни гемобен ёрдамида тўхтатилганда терининг чуқур қатламлари тўқимасини ҳам микроскопик даражада ўрганилганда қуйидаги маълумотлар олинди. Дерма остидаги гиподерма, ёғ қатлами, терининг мушак ҳужайралар қатлами кескин шишга учраганлиги, ундаги қон томирлар, бириктирувчи тўқима тутамлари, силлиқ мушак қатламлари деформацияланиб, сийраклашганлиги кузатилади. Шиш жараёни энг кўп ривожланган қатлам бу дерма ости гиподерма қатлами эканлиги аниқланди (3-расм). Мушак қавати ва тери остидаги ёғ тўқима нисбатан кам даражада шишганлиги аниқланади. Яра пайдо қилинган дерма қаватининг пастки ярим тўқимаси тажрибанинг ушбу 3 кунлик даврида ундаги бириктирувчи тўқима ҳужайраларининг пролиферацияланиб, кўпайиши ва яллиғланиш инфильтрати пайдо бўлиши ҳисобига қалинлашганлиги кузатилади. Пролиферацияланиб, кўпайган бириктирувчи тўқима ҳужайралари орасидаги толали тузилмалар парчаланганлиги оралиқ модда билан аралашиб, гомоген ҳолдаги структурасиз моддани пайдо қилганлиги аниқланади.

Микроскопнинг катта объективида ўрганилганда, яра остида чуқур жойлашган тўқима тузилмаларда шиш ва дезорганизация жараёнлари ривожланганлиги кузатилади. Гиподермада бириктирувчи тўқима ҳужайралари пролиферацияланиш фаоллигига ўтганлиги, гистотопографик жиҳатдан гипертрофияланиб, гиперхромазияланганлиги кузатилади (4-расм). Терининг скелет мушаклари атрофидаги бириктирувчи тўқимадан шиш учоғи билан ажралганлиги, мушак толалари бироз шишганлиги ва деформациялангалиги аниқланади.



3-расм. Хайвонлар юз-жағ соҳа териси юзаки яраси, 3-кун, гемобен сурилган, ярадан чуқур жойлашган тўқималарнинг шишга учраганлиги. Бўёқ: Г-Э. Кат: 10х10.



4-расм. Яра остидаги тўқима тузилмалари, шишга ва дезорганизацияга учраган. Бўёқ: Г-Э. Кат: 10х40.

Тажрибанинг 5-кунига келиб, дерманинг яраланган соҳа туби бироз деформацияланганлиги, яллиғланиш инфильтрати ва кам даражадаги бириктирувчи тўқима тутамлари билан қопланганлиги кузатилади. Ярани атрофидан ва тубудан ўраган бириктирувчи тўқима қон томирларининг кенгайганлиги, ҳужайраларининг пролиферацияланганлиги, диффуз ва ўчоқли ҳолда яллиғланиш инфильтрати пайдо бўлганлиги ҳисобига қалинлашганлиги аниқланади (5-расм). Бунда, дерма тўқимаси таркибидаги артерия қон томирлари девори шиш ва бўкиш ҳисобига қалинлашгшанлиги, вена қон томирлари девори аксинча юпқалашганлиги аниқланади. Микроскопнинг катта объективида ўрганилганда маълум бўлдики ярадан чуқур жойлашган дерма тўқимасида ҳам диффуз ҳолдаги, ҳам ўчоқли кўринишдаги сурункали яллиғланишли инфильтрат пайдо бўлганлиги аниқланади. Жумладан, яллиғланиш инфильтрати асосан лимфоид ва гистиоцитар ҳужайралардан иборатлиги кузатилади (6-расм). Яллиғланиш инфильтрати орасида эозинофил ҳужайралар ҳам борлиги аниқланади.



5-расм. Хайвонлар юз-жағ соҳа териси юзаки яраси, 5-кун, гемобен сурилган, ярадан чуқур жойлашган тўқималарнинг шишга ва яллиғланишга учраганлиги. Бўёқ: Г-Э. Кат: 10х10.

6-расм. Дермада артериялар деворининг шиш ҳисобига қалинлашиши, веналар атрофида ўчоқли лимфоид инфильтрация пайдо бўлиши. Бўёқ: Г-Э. Кат: 10х40.



7-расм. Тажрибанинг 10-куни, яра юзасида парчаланган тўқима тузилмалари йўқолиб, ўрнига зич тўқиманинг пайдо бўлиши. Бўёқ: Г-Э. Кат: 10х40.

Тажрибанинг 10-кунига келиб, юз-жағ соҳа терисида пайдо қилинган юзаки яра ва ундан кетган қонни тўхтатиш учун сурилган гемобен препарати таъсирида яранинг юзасида юқорида кўрсатилган парчаланган тўқима бўлаклари ва қон таначаларидан пайдо бўлган ивиган лаҳта-лаҳта қумоқлар нисбатан сўрилиб, бириктирувчи тўқима тузилмалари таркибига сингиб кетганлиги аниқланади. Натижада, яра юзаси тўқима парчалари, гемобен таъсирида қумоқлашган қон таначалари ва қон плазма оқсиллари бир-бирига сингиб кетишидан тўқ рангга бўялиб, унда гематоксилинли киритмалар ва гомоген ҳолдаги эозинофилли модда пайдо бўлганлиги кузатилади (7-расм). Демак, башорат қилиш мумкинки, гемобен ёрдамида қони тўхтатилган яра юзасидаги тўқима ва ҳужайраларнинг битиш жараёни сезиларли даражада тезлашганлиги кузатилади. Яра тубида ва атрофида жойлашган дерманинг бириктирувчи тўқимаси олдинги даврларга қараганда тартибли тузилишга эгалиги, яъни толали тузилмалари тутам-тутам кўринишда бир томонга йўлантирилиб, жойлашганлиги аниқланади. Ҳужайралари ҳам дифференциалланиб, чўзинчоқ шаклга кириб, сони камайганлиги, лекин орасида яллиғланиш ҳужайралари сақланиб қолганлиги кузатилади.

Хулоса. Тажриба ҳайвонлар юз-жағ соҳаси терисида юзаки яра нуқсонини пайдо қилиб, ундан оқадиган қонни гемобен препарати билан тўхтатилганда, препарат таъсирида қон таначалари ва плазма оқсиллари ивиб, қумоқ-қумоқ кўринишга кириб, ҳамда тўқиманинг яраланган юзасида

пайдо бўлган тўқима парчалари ҳам препарат таъсирида денатурацияланиб лаҳтакларга айланганлиги кузатилади.

Қўлланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бобовник С.В., Буланов А.Ю., Григорьев Е.В., Заболотских И.Б., Лебединский К.М., Синьков С.В., и др. Протокол реанимации и интенсивной терапии при острой массивной кровопотере. Клинические рекомендации. Общероссийская общественная организация «Федерация анестезиологов и реаниматологов»; 2018. https://congress-med.ru/assets/files/2018/2018-rossijskie-rekomendaczii-poneotlozhnoj-pomoshhi-pri-ostroj-krovopotere.pdf
2. Гончаров А.В., Самохвалов И.М., Суворов В.В., Маркевич В.Ю., Пичугин А.А., Петров А.Н. Проблемы этапного лечения пострадавших с тяжелыми сочетанными травмами в условиях региональной травмосистемы. Политравма. 2017;4:6–15.
3. Затевахин И.И., Кириенко А.И., Сажин А.В. (ред.). Неотложная абдоминальная хирургия: Методическое руководство для практикующего
врача. Москва: Медицинское информационное агентство; 2018. травмосистемы. Политравма. 2017;4:6–15.
4. Duchesne J, Inaba K, Ali Khan M. Damage Control in Trauma Care. An Evolving Comprehensive Team Approach. Switzerland: Springer International Publishing; 2018. https://doi.org/10.1007/978-3-319-72607-6
5. Pape HC, Peitzman AB, Rotondo MF, Giannoudis PV. Damage Control Management in the Polytrauma Patient. Second Edition. Switzerland: Springer International Publishing; 2017. https://doi.org/10.1007/978-3-319-52429-0
6. Spahn D, Bouillon B, Cerny V, Duranteau J, Filipescu D, Hunt B, et al. The European guideline on management of major bleeding and coagulopathy following trauma: fifth edition. *Crit Care*. 2019;23(1):98. PMID: 30917843 https://doi.org/10.1186/s13054-019-2347-3
7. Polytrauma Guideline Update Group. Level 3 guideline on the treatment of patients with severe/multiple injuries. *Eur J Trauma Emerg Surg*. 2018;44:3–271. PMID: 29654333 https://doi.org/10.1007/s00068-018-0922-y

РЕЗЮМЕ

МОРФОЛОГИЧЕСКИЕ ИЗМЕНЕНИЯ ПРИ ПРИМЕНЕНИИ ПОРОШКА ГЕМОБЕН НА ПОВРЕЖДЕННУЮ РАНУ ПОВЕРХНОСТНОГО ЭПИДЕРМИСА И ДЕРМЫ КОЖИ ЧЕЛЮСТНО - ЛИЦЕВОЙ ОБЛАСТИ

[1]Окбоев Зайрулло Буриевич, [2]Исроилов Ражаббой Исроилович

[1]Термезский филиал Ташкентской медицинской академии

[2]Республиканский паталогоанатомический центр

zairulloburyevich2727@gmail.com

При проявлении у подопытных животных поверхностного раневого дефекта на коже челюстно - лицевой области и остановки оттока крови из него препаратом Гемобен, наблюдается, что под влиянием препарата клетки крови и белки плазмы коагулируют и становятся комковатыми, а фрагменты ткани, появляющиеся на поврежденной поверхности ткани, денатурируются и превращаются в сгустки под действием препарата. Со временем кусочки разрушенной ткани и свернувшиеся клетки крови на поверхности раны рассасываются, а на ее месте определяется плотная соединительная ткань, состоящая из однородного вещества с гематоксилином и эозинофильными включениями.

SUMMARY

MORPHOLOGICAL CHANGES DURING APPLICATION OF GEMOBENE POWDER ON THE DAMAGED WOUND OF THE SUPERFICIAL EPIDERMIS AND SKIN DERM OF THE FACIAL-JAW REGION

[1]Okboev Zairullo Burievich, [2]Isroilov Rajjabboy Isroilovich

[1]Termez branch of the Tashkent Medical Academy

[2]Republican Pathoanatomic Center

zairulloburiyevich2727@gmail.com

When a superficial wound defect appears on the skin of the maxillofacial area in experimental animals and the outflow of blood from it is stopped by the drug Gemoben, it is observed that under the influence of the drug, blood cells and plasma proteins coagulate and become lumpy, and tissue fragments that appear on the damaged surface of the tissue are denatured and turn into clots under the action of the drug. Over time, pieces of destroyed tissue and clotted blood cells on the surface of the wound dissolve, and in its place a dense connective tissue is determined, consisting of a homogeneous substance with hematoxylin and eosinophilic inclusions.

UDK: 616.127: 578.834.1: 340.6

КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИДА ЎПКА, БУЙРАК, ИЧАК ТУТҚИЧИ ҚОН ТОМИРЛАРИНИНГ ГИСТОКИМЁВИЙ ЖИҲАТЛАРИДАГИ ПАРАЛЕЛ МОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАР

Омонов Шохрух Рахимович

Тошкент тиббиёт академияси

dr.shohruhomonov1990@gmail.com

Калит сўзлар: ковид-19, ўпка, буйрак, мезентериал артерия томири, гистокимёвий текшриши, алциан кўки, Ван Гизон, эндотелий ва субэндотелий.

Мавзунинг долзарблиги: Ковид-19 инфекцияси ташхиси билан хасталанган беморларда биринчи ўринга миокард инфаркти, ўткир буйрак етишмовчилиги, илк бор аниқланган қандли диабет, синус тромбози ва бошқа асоратларнинг кескин ривожланиш даври 2021 йил июль - сентябрь ойида Россия Федерацияси олимлари томонидан қайд этилган [5]. Ўзбекистон Республикасида постковид асоратлар кўринишида, бош мия

синус тромбози, юқори жағ веналарининг тромбози, сон суяги бошчаси асептик некрози ва бошқа асоратлар қайд этилган. Пандемиядан кейинги даврда бутун дунё бўйича ушбу касаллик асоратидан вафот этганлар сони 2020 йилга нисбатан 2,1% га ошган бўлиб (154 млн ахоли) ни ташкил этган, АҚШ ва Европа давлатларида ушбу холатни қайталанган соматик касалликлар асорати деб қарашди [1,2,5,7]. Холбуки, ковид-19 инфекциясидан кейинги даврдаги саногенез механизмида соматик касалликларнинг қайталаниши, ушбу аъзолар қон томирининг ўткир ва сурункали етишмовчилиги билан боғлиқ жихатлари турлича ёритилиб, ковид-19ни ПЗР текширувларида ўз асосини топмаган деган қарашлар билан эътибордан четда қолди [3,4,6,8]. 2021 йил август ойидан бошлаб Россия Федерацияси ва МДХ давлатларида томирга алоқадор некроз тушунчаси билан боғлиқ ўлим кўрсаткични ошганлиги ушбу муаммони қайта кўриб чиқишликни тақозо этди [9,10,11].

Мақсад: Коронавирус инфекциясидан кейинги даврда ўпка, буйрак, ичак артерияларини қаватларида юзага келадиган морфологик ўзгаришларни гистокимёвий бўяш усули орқали ўрганиш ва аниқлаштиришдан иборат.

Материал ва усуллар: Тадқиқот материаллари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги Республика Патологик Анатомия Марказида коронавирус инфекциясидан вафот этган беморларни 2020-2021 йил ичида 32 та аутопсия натижалари олинган ўпка, буйрак, ичаклар қон томирлари ташкил этди. Олинган материаллар формалиннинг 10% ли эритмасида 72 соат фиксациялангандан кейин ўсиб борувчи тартибдаги спиртда сувсизлантирилди. Кейин парафинли қотишмада махсус ғиштчалар тайёрланиб, гистокимёвий текшириши учун альциан кўки ва Ван Гизон бўёқларидан фойдаланилди. Олинган маълумотлар морфологик текширилиб таҳлил натжалари мухокама қилинди.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси: тадқиқот ишимизда ўпка, буйрак ва мезентериал артериялар деворидаги ўзига хос морфологик ўзгаришлар ўрганилди. Майда калибрли мушак типидаги артериал қон томирлар деворининг ўзига хос жихатларидан бири, интима қавати эндотелиал ва субэндотелиал қаватлардан ташкил топган бўлиб, нормада субэндотелиал қаватда нейтрал гликозаминогликанлар бўлиб, экстрацеллюляр матриксда 4-типдаги коллаген толаларнинг тартибли бир хил қалинликдаги тузилмасидан ташкил топган қавати мавжуд бўлади. Аксарият холатларда Ван Гизон гистокимёвий бўяш усулида ушбу коллаген толаларнинг текстураси ва релефи бир хил қалинликда кўринишга эга бўлади. Ёшга доир ўзгаришлар асосан 51-65 ёшларда ушбу қаватнинг қалинлиги бир хил тартибда текстурасида дағал нотекис зигзагсимон ўчоқли кўриниши кузатилмайди. Айни ишимизда Ковид-19 дан вафот этган ўртача ёш кўрсаткичи 33,8±7,56 ёшни ташкил этди. Бу эса, қон томир қаватларидаги ёшга доир ўзгаришларни четлаб ўтмасдан фикримизни аниқ талқин этишда мухим жихат хисобланади. Ўпка стволи 2 ва 3 нчи тармоқлари гистологик жихатдан мушак қавати жуда суст ривожланган

бўлиб, нормада эндотелиал ва субэндотелиал қаватларининг яққол чегаралари фарқ қилинмайди. Ковид-19 инфекциясида ушбу чегаралар аниқ ифодаланиб оралиқда нордон гликозаминогликанларнинг тўпланиши ва экстрацеллюляр матриксда кислотали мухитнинг юзага келиши ривожланади.

Бу эса, ўз навбатида фибробластлар томонидан ишлаб чиқариладиган гиалурон кислотасининг кўп миқдорда тўпланиши ва шу сохада vas vasorum нинг кенгайиши ва девор ўтказувчанлиги ошириши оқибатида интерстициал шишлар ва мукоид бўкиш кўкринишадги патологик жараён билан намоён бўлади (1-расмга қаранг). Натижада фибробластларнинг кескин фаол ҳолатга келиши толали тузилмалар синтезини кучайтириши оқибатида субэнтолиал сохада тропоколлаген ва ундан коллаген толаларнинг синтезини кучайишига олиб келади. Ушбу ўзгаришлар бошқа касалликларда хам кузатилади, лекин морфологик хос жиҳатларидан бири ковид-19 инфекциясида томир чи АПФ-2 рецепторининг блокланиши оқибатида томирларда вазопаралитик ва вазаконстриктив ўзгаришларнинг синхронлиги издан чиқиши оқибатида барча аъзоларда тизмили равишда кузатилади [4,11]. Бу эса, тадқиқот ишимизда томирлар деворининг шикастланиши учун хос бўлган умумий ўзгаришларни тасдиқлайди.



1-Расм. Баённома № 19ВИ. Бемор 41ёшда. Ўпка стволи. 2 тартибли ўпка томири деворининг кўриниши. Эндотелий қаватида оралиғида шишлар ва десквамация ўчоқлари (1), субэндотелий қавати чегар сохасида коллаген толаларнинг кескин кўпайган ўчоқлари аниқланади (2), эластик толаларга бой қаватида оралиқ шишлар ва орасига коллаген толаларнинг ўсиб кирган ўчоқлари аниқланади (3). Бўёқ Ван Гизон. Ўлчами 40х10.



2-Расм. Баённома № 27ВИ. Бемор 39 ёшда. Ўпка стволи. 2 тартибли ўпка томири деворининг кўриниши. эндотелий қаватида оралиғида шишлар ва десквамация ўчоқлари (1), субэндотелий қавати чегар сохасида коллаген толаларнинг кескин кўпайган ўчоқлари аниқланади (2), эластик толаларга бой қаватида оралиқ шишлар ва орасига коллаген торлаларнинг ўсиб кирган ўчоқлари аниқланади (3). Бўёқ Ван Гизон. Ўлчами 40х10.

Ўпка стволи 2 ва 3 тартибли томирлари деворида қуйидаги морфологик ўзгаришларни аниқладик. Қон томир анатомик қаватлари бўйлаб, ташқи қаватида оралиқ шишлар, нотекис контурли кўриниш ва қават релефининг турлича қалинликда бўлиши аниқланди. Ўрта қаватида эластик толаларга бой сохаси оралиғида нотекис интерстициал шишлар, силлиқ мушак хужайраларида суст шаклланган гидропик дистрофия ўчоқлари аниқланади. ўрта қаватида оралиғида дағал коллаген толали ўсиб кирган ўчоқлари аниқланади. (2-расмга қаранг). Бу эса, ўпка стволи 2 ва 3 тартибли қон томирлар деворининг гистиархитектоникасини ўзгаришига олиб келади. Эндотелиал ва субэндотелиал қаватида кескин деструктив ўзгаришлардан: толасизланган ўчоқлар, эндотелийнинг десквамацияга учраган сохалари ва шу сохаларда тромбоцитлар лейкоцитлар ва эритроцитларнинг адгезивланган ўчоқлари аниқланади. Субэндотелиал қаватининг эластик толаларга бой сохасида аксарият коллаген толаларнинг кўапйганлиги қалинг нотекис текстурали кўринишда бўлиб, зигзагсимон (зинасмон) кўринишда қўшни қаватларга ўсиб кирган ўчоқлари аниқланади (2-расмга қаранг). Бу морфологик жихатлар ковид-19 инфекцияси тасдиқланган беморлар ўпка стволи қон томирларига хос жихатлари деб гапиршга асос бўлади. Натижада ўпка стволи қон томирларининг гистиоархитектоникасидаги ўзгаришларда асосий пейзажни толали тузилмаларнинг кўпайиши ва дислокацияси тушунилади.

Ковид-19 инфекцияси тасдиқланганлар аутопсиясида буйрак артерияси хам ўрганилди. Айни ишимизда, буйрак артериясидаги ўзгаришлар ўпка стволидаги ўзгаришлардан тубдан фарқ этганлиги лекин умумий хос жихатларидан бири коллаген толали тузилмларнинг кўпайганлиги, нордон мукополисахаридларни тўпланганлиги билан характерланди. Буйрак артерияси биофизик хусусияти бўйича мушак типидаги каршилик кўрсатвчи артериялар гурухига мансуб бўлганлиги учун, гистиоархитектоникаси ўзига хос тузилишга эга. Айнан ишимизда ўрганилаётган жихатларидан бири, адвентициал қаватида кескин ўзгаришлар аниқланмади. Мушак қавати миоцитларида гиперплазия ва гипертрофия ўчоқлари аниқланди (3-расмга қаранг). Мушак қавати миоцитлар тутамлари оралиғида интерстициал шишлар, суст шаклланган ўчоқли лимфоцитар инфильтрация, томир ичи қон томирларида тўлақонлик ва атрофида шишлар аниқланади. эндотелий қавати юзаларида бурмали кўриниш сақланган, эндотелиоцитларджа ўчоқли десквамация ва қонни шаклли элементларидан ташкил топган адгезивланган ўчоқлар аниқланади.субэндотелиал қаватида альциан кўки билан бўялганда нордон гликозаминогликанларнинг ўчоқли тўпланганлиги аниқланади. Шу сохалар атрофида шишли манзара ва дефрагментацияга учраган толали тузилма ўчоқлари аниқланади. макрофагал хужайралар шу сохаларда ора сира учрайди. Субэндотелиал қаватда кескин ривожланган оралиқ шишлар ва минерал кўк рвнггв бўялган нордон гликозаминогликанларнинг тўпланган ўчоқлари аниқланади. Энг характерли жихатларидан бири субэндотелиал чохаларда нордон мукополисахаридлар тўпланган ўчоқлар юза сохаси текислиги томир бўшлиғи юзаларида эндотелиоцитларнинг кўчиб тушган ўчоқлари аниқланади (4-расмга қаранг).



3-Расм. Буйрак артерияси. Эндотелий юзасида қон шаклли элементларидан ташкил топган юза имбибиция ўчоқлари аниқланади (1), субэндотелиал қаватларда ўчоқли Шифф мусбат тузилмларнинг тўпланганлиги аниқланади (2), субэндотелиал ва эндотелий оралиғида интерстициал шиш ўчоқлари мавжуд (3). Бўёқ Алциан кўки. Ўлчами 20х10.



4-Расм. Буйрак артерияси. Эндотелий юзасида десквамация ўчоқлари (1), субэндотелиал қаватларда ўчоқли Шифф мусбат тузилмларнинг тўпланганлиги аниқланади (2). Бўёқ Алциан кўки. Ўлчами 20х10.

Бу жараён эса, клиник морфологик жихатдан майда калибрли артериялар бўшлиғида экстримал тромбоз хосил бўлишини кучайтириб ўткир ишемик холатларни юзага келиши билан якунланиши мумкин. Буйрак аретриясини алциан кўки билан бўяш орқали олинган морфологик ўзгаришлар: эндотелий қаватида йирик бурмалар хосил қилган юзаларининг остида субэндотелиал сохадаги шишлар (нордон табиатли гликозаминогликанларнинг тўпланиши) томир ичи юзаси релефини ўзгартириш оқибатида, бўртиб чиқиб турган эндотелий юза хужайрларининг қон оқимига қаршилик қилган юзаларида механик ишқаланишнинг юқорилиги, шу билан бирга эндотелий қаватининг кемтик хосил қилиб чуқурча кўринишидаги сохаларда турбулент оқимнинг кескин механик қалтираши (трения) оқибатида эндотелийнинг шикастланишини юзага келиши келади (4-расм). Бу эса, субэндотелиал қаватдаги шишиларнинг юзага келиши, нордон гликозаминогликанларнинг тўпланган сохаларида толали тузилмаларнинг деструкцияси ва томир девори гистиоархитектоникасини бузилиши билан давом этади. Ван Гизон бўёғида субэндотелиал қават ва мушак қавати оралиғида тартибсиз шаклланган коллаген толалар аниқланади. Бу эса, ўз навбатида шу сохаларда фибробластларнинг кескин пролифератив фаол ўчоқлари мавжудлигини тасдиқлайди.



5-Расм. Буйрак артерияси. Эндотелий юзасида қон шаклли элементларидан ташкил топган юза имбибиция ўчоқлари аниқланади (1), коллаген

толаларнинг тартибсиз шаклланган ўчоқлари (2), субэндотелиал ва эндотелий оралиғида интерстициал шиш ўчоқлари мавжуд (3). Бўёқ Алциан кўки. Ўлчами 20х10.

Ичак тутқичи артериясида хам худди буйрак артерияси сингари ўзгаришларнинг юзага келганлиги аниқланади. Морфологик жиҳатдан алциан кўкида бўялган препаратларда, субэндотелиал сохада Шифф мусбат тузилмларнинг кескин тўпланиши шу соха эндотелийсининг шиш сабабли кўтарилиб туриши эндотелий юзаси релефининг бўртиб чиқиб туриши билан характерланади.



6-Расм. Ичак артерияси. Эндотелий юзасида ўчоқли ўсиқ кўринишидаги шикастланган десквамация ўчоқлари аниқланади (1), субэндотелиал қаватларда Шифф мусбат тузилмларнинг ўчоқли тўпланганлиги (2), субэндотелиал ва эндотелий оралиғида интерстициал шиш ўчоқлари мавжуд (3). Ўрта қавати сохаси эластик толаларга бой сохалари оралиғида хам Шифф мусбат тузилмалар аниқланади (4). Бўёқ Алциан кўки. Ўлчами 20х10.

Натижада шу сохада, эндотелий қатламининг механик ишқалиниши юқорлиги хисобига шикастланган ва қон шаклли элементлари билан имбибицияга учраган ўчоқлари аниқланади. бу эса, тромб шаклланиши учун шароит яратади. Яъна бир жихати, субэндотелиал сохаларда Шифф мусбат тузилманинг тўпланганлиги толали сийрак толали тузилмларда деструкция ва шу сохада оралиқ шишлар, макрофагларнинг инфильтрация ўчоғи аниқланади. Ичак артериясининг ўрта қаватида хам Шифф мусбат тузилмаларининг тўпланши эластик толаларга бой бўлган сохада хам деструкцияни юзага келиши билан давом этганлигини кўрсатади (6 расмга қаранг).



7-Расм. Ичак артерияси. Эндотелий юзасида такомил топаётган тромб аниқланади (1), субэндотелиал қаватларда Шифф мусбат тузилмларнинг ўчоқли тўпланганлиги (2), субэндотелиал ва эндотелий оралиғида интерстициал шиш ўчоқлари мавжуд (3). Ўрта қавати сохаси эластик толаларга бой сохалари оралиғида хам Шифф мусбат тузилмалар аниқланади (4). Бўёқ Алциан кўки. Ўлчами 40х10.



8-Расм. Буйрак артерияси. Эндотелий юзасида қон шаклли элементларидан ташкил топган тромб ўчоқи аниқланади (1), коллаген толаларнинг тартибсиз шаклланган ўчоқлари (2), мушак қаватида хам коллаген толаларнинг диффуз шаклланган ўчоқлари (3). Бўёқ Алциан кўки. Ўлчами 20х10.

Ичак артериясининг ковид-19 да юзага келган характерли ўзгаришларидан яъна бир томони томирнинг функциоанал сохаларидан бири бўлган, эндотелий ва субэндотелиал қаватларда нордон гликозаминогликанларни кескин тўпланиши ва шу сохада шишларни тўпланиши эндотелий релефининг ўзгаришга олиб келади. Айни ушбу ўзгариш ўпка ва буйрак артерияларида хам аниқланган эди. Ушбу тарқоқ

ўзгаришнинг бир вақтда ривожланиши инфекцион омилнинг таъсири сифатида қаралади.

Ван Гизон бўёқлари билан бўялган томирлар деворида хам ўзгаришлардан, эндотелий ва субэндотелий қаватларида коллаген толали ўчоқларнинг кескин ривожланганлиги, мушак қавати оралиғида хам коллаген толаларнинг нотекис шаклланган ўчоқлари аниқланади (8-расм). Бу эса, томирнинг морфофункционал жихатдан мажрух холатга олиб келишлиги, эндотелий қавати шикастланган юзаларида тромбларнинг шаклланиши, тромбоз жараёнини юзага келиши билан якунланади.

Хулосалар:

1. Ковид–19 да буйрак артерияси деворида Шифф мусбат тузилмаларнинг хар хил даражадаги кўпайиши оралиқ шишларнинг такомил топиши ва томир релефининг ўзгаришига олиб келиши билан якунланади. Томир релефининг ўзгариши эндотелий юзаси бурмаларининг хам ўзгаришига олиб келиб, йирик бурмалар юзаларида эндотелийнинг турбулент оқим таъсирида механик шикастланиши тромб юзага келиши учун мухим омил хисобланади.
2. Ковид–19 да ичак тутқичи артерияси деворида жуда кўп миқдорда Шифф мусбат тузилмаларнинг кўпайиши, интерстициал шишни юзага келиши томир ичи релефи ўзгаришига олиб келиб, эндотелий юзаси бурмаларида ўчоқли шикастланиш ва тромбларнинг пайдо бўлишига олиб келиши аниқланди.
3. Ковид–19 да ўпка артерияси деворида коллаген толаларнинг хар хил даражада такомил топганлиги ва томир ичи релефининг ўзгариши ички юзаси силлиқлигини шикастланиши ва эндотелий юзасида тромбларнинг такомил топишига олиб келиши аниқланди.
4. Клиник морфологик жиҳатдан артерия томири деформацияси, бўшлиқларида тромбларнинг юзага келиши, ўткир тромбоз ва томир окклюзияси оқибатида инфаркт ўчоқлари намоён бўлади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Бабкина А.С. и др. Морфологические изменения головного мозга при COVID-19 //Общая реаниматология. – 2021. – Т. 17. – №. 3. – С. 4-15.
2. Дондурей Е.А. и др. Характеристика COVID-19 у детей: первый опыт работы в стационаре Санкт-Петербурга //Журнал инфектологии. – 2020. – Т. 12. – №. 3. – С. 56-63.
3. Федоров Д.Н. и др. Морфологическая и иммуногистохимическая характеристика изменений в лимфатических узлах бронхолегочной группы у пациентов с новой коронавирусной инфекцией COVID-19 (по результатам аутопсийных исследований) // Альманах клинической медицины. – 2020. – Т. 48. – №. S1.
4. Савченко С.В. и др. Морфологические изменения сердца и сосудов при новой коронавирусной инфекции (COVID-19) // Вестник судебной медицины. – 2021. – Т. 10. – №. 2. – С. 40-44.

5. Забозлаев Ф.Г. и др. Патологическая анатомия легких при новой коронавирусной инфекции (COVID-19). Предварительный анализ аутопсийных исследований //Клиническая практика. – 2020.–Т. 11. №. 2.
6. Литвинов А.С. и др. Клинико-морфологические параллели повреждения легких и почек при COVID-19 // Нефрология. – 2020. – Т. 24. – №. 5. – С. 97-107.
7. Воробьева О.В., Ласточкин А. В. Патоморфологические изменения в органах при COVID-19 //Инфекция и иммунитет. – 2020. – Т. 10. – №. 3.
8. Самсонова И.В. и др. Патоморфология COVID-19 по данным 15 вскрытий // Вестник Витебского государственного медицинского университета. – 2020. – Т. 19. – №. 3.
9. Зайратьянц О.В. и др. Патологическая анатомия COVID-19: опыт 2000 аутопсий // Судебная медицина. – 2020. – Т. 6. – №. 4.
10. Бондарев О.И. и др. Патоморфологические изменения в органах при сочетании новой коронавирусной инфекции (Covid-19) и пневмокониоза у работников угольной промышленности Кузбасса //Медицина в Кузбассе. – 2020. – Т. 19. – №. 4.-С.17-25
11. Самсонова И.В. и др. Экспрессия CD34 в легких пациентов, умерших от коронавирусной инфекции //Достижения фундаментальной, клинической медицины и фармации. – 2021. – С. 291-292.
12. Фисун А.Я. и др. Механизмы поражения сердечно-сосудистой системы при COVID-19 //Вестник Российской академии медицинских наук. – 2021. – Т. 76. – №. 3. – С. 287-297.
13. Сомова Л.М. и др. Клинико-морфологические проявления дисфункции иммунной системы при новой коронавирусной инфекции COVID-19 //Научно-практический рецензируемый журнал Клиническая и экспериментальная морфология. – 2021. – Т. 10. – №. 1. – С. 11-20.

РЕЗЮМЕ

ПАРАЛЛЕЛЬНЫЕ МОРФОЛОГИЧЕСКИЕ ИЗМЕНЕНИЯ В ГИСТОХИМИЧЕСКИХ АСПЕКТАХ КРОВЕНОСНЫХ СОСУДОВ ЛЕГКИХ, ПОЧЕК, КИШЕЧНИКА ПРИ КОРОНАВИРУСНОЙ ИНФЕКЦИИ

Омонов Шохрух Рахимович

Ташкентская медицинская академия

dr.shohruhomonov1990@gmail.com

Ключевые слова: ковид-19, легкое, почка, сосуд брыжеечной артерии, гистохимическое исследование, альцианский синий, Ван Гизон, эндотелий и субэндотелий.

Установлено, что под влиянием SARS-CoV-2 развиваются сосуды среднего калибра (артерии мышечного типа) с разной степенью изменений эндотелиального и субэндотелиального слоев. В частности, в эндотелиальном и субэндотелиальном слоях артерий мышечного типа

выявлено резкое накопление кислых гликозаминогликанов и увеличение коллагеновых волокон 3 типа в промежуточных отечных очагах. Для выявления этих изменений для гистохимического исследования использовали красители Альциан синий и Ван Гизон. Обсуждение большинства результатов показало, что сходные аспекты почечных, брыжеечных и легочных артерий развивались параллельно при инфекции Ковид-19.

SUMMARY

PARALLEL MORPHOLOGICAL CHANGES IN HISTOCHEMICAL ASPECTS OF BLOOD VESSELS OF THE LUNGS, KIDNEYS, INTESTINES IN CORONAVIRUS INFECTION

Omonov Shokhrukh Rakhimovich

Tashkent Medical Academy

dr.shohruhomonov1990@gmail.com

Key words: covid-19, lung, kidney, mesenteric artery vessel, histochemical study, Alcian blue, Van Gieson, endothelium and subendothelium.

It has been established that under the influence of SARS-CoV-2 vessels of medium caliber (muscle-type arteries) develop with varying degrees of changes in the endothelial and subendothelial layers. In particular, in the endothelial and subendothelial layers of muscle-type arteries, a sharp accumulation of acid glycosaminoglycans and an increase in type 3 collagen fibers in intermediate edematous foci were revealed. Alcian blue and Van Gieson dyes were used for histochemical examination to detect these changes. A discussion of most of the results showed that similar aspects of the renal, mesenteric and pulmonary arteries developed in parallel during Covid-19 infection.

УДК: 611.451.24-340.6:572.616.831-001

НЕКОТОРЫЕ МОРФОФУНКЦИОНАЛЬНЫЕ ПАРАМЕТРЫ НАДПОЧЕЧНИКОВ ЧЕЛОВЕКА В СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКОЙ ДИАГНОСТИКЕ ЧЕРЕПНО-МОЗГОВОЙ ТРАВМЫ

Раймбердиев Сухроб Абдухалилович[1],

Бахриев Ибрагим Исомадинович[2]

[1]Андижанский государственный медицинский институт

[2]Ташкентская медицинская академия

ibragim.bakhriev@mail.ru

Ключевые слова: черепно-мозговая травма, надпочечники, морфология, судебно-медицинская диагностика.

Актуальность. В настоящее время возрастает интерес к изучению механизмов повреждения и структурной перестройки органов эндокринной системы, вызванной различными патологическими факторами [2, 4, 5, 7], влияющие как физиологической, так и эмоциональной природы, которые вызывают стресс-реакции в организме, что может стать патогенетической основой различных состояний [3]. Пагубный эффект стрессора зависит от его силы, длительности или повторяемости, а также от реактивности самого

организма, который подвергся избыточному стрессу. Поэтому один и тот же стрессор у разных людей может вызывать различные последствия и проявления.

С одной стороны, стресс-реакция может быть рассмотрена как способ достижения резистентности организма при действии чрезмерных факторов и являться приспособительной, с последующей перестройкой защитных механизмов организма. С другой стороны, стресс может являться детерминантом, оказывающим повреждающее действие на органы и их системы, что в конечном итоге приводит к развитию патологий. Постоянные стрессовые воздействия на организм вызывают изменения массы органов-маркеров стресса, изменения концентрации гормонов стресс-реакции и общее изменения физического состояния человека в неблагоприятную сторону.

Главной эффекторной железой внутренней секреции при развитии стресс-реакции является надпочечник, клетки кортикального слоя которого секретируют гормон кортизол, отвечающий за адаптацию, резистентность и стресс-устойчивость организма.

Изучение гистологической реакции надпочечников явилось **целью** нашего исследования, учитывая его многогранные функции, может быть широко применимо для разработки способов коррекции возникшей патологии, а возможность сопоставления отличий гистологической картины, отражающей функциональное состояние органа, позволяет использовать её в качестве диагностических критериев [6].

Материалы и методы исследования. Объектом исследования служили надпочечники 43 мужчин, совершивших самоубийство (факт установленный следствием) путём повешения и умерших от механической асфиксии. В качестве контроля использованы надпочечники 39 мужчин, погибших от несовместимой с жизнью механической травмы без развития агонального периода.

Надпочечники (НП) извлекали, фиксировали в кальций-формоле в течение 24 часов. Для гистологического исследования взяты фрагменты из средней части НП, на которых имелись все зоны коркового (КВ) и мозгового (МВ) вещества.

На телеметрической установке, состоящей из светового микроскопа «Micros», персонального компьютера «Celeron-2000», фотокамеры «Sony», с использованием программы Adobe Photo Shop 6.0 for Windows проводили кариометрическое исследование неменее 30 эндокриноцитов [Лакин Г.Ф., 1980.]. Рассчитывали среднюю площадь ядер эндокриноцитов и коэффициент её вариабельности.

Результаты и их обсуждение. Результаты морфологического исследования показали, что на фоне тяжелой черепно-мозговой травмы в надпочечниках также отмечается развитие некоторых дисциркуляторных, дистрофически-некротических и дисрегенераторных изменений. При этом, эти патоморфологические изменения более выражены в клубочковом и пучковом зонах коркового слоя и проявлялись разрыхлением,

вакуолизацией, местами полным разрушением паренхиматозных клеток. Клубочковая зона почти польностью разрушает свое типичное строение за счет выраженной вакуолярной дистрофии и некроза адренокортикоцитов (рис. 1). Из-за вакуолизации клеток паренхимы надпочечников между пучками и клубочками межуточная ткань и сосуды расширены в объеме и отечны, местами отмечается наличие небольших очагов кровоизлияния. Со стороны капсулы отмечается некоторое утолщение соединительнотканных прослоек её за счет пролиферации юных лимфогистиоцитарных клеток, местами наблюдается прорастание соединительной ткани в сторону паренхимы.



Рис. 1. Клубочковая зона, отек стромы, вакуолизация адренокортикоцитов. Окр: Г-Э. Х: 10х20.

В пучковой зоне вышеописанные патоморфологические дистрофически-деструктивные изменения более выражены и почти полностью разрушают пучковое расположение адренокортикоцитов. Если в отдельных зонах вакуолизация паренхиматозных клеток доходит до полного распада и некроза (рис. 2), то в других участках адренокортикоциты сохраняются в виде гиперхромных регенеративных скоплений клеток с формированием узких балок, между которыми, сосуды и соединительнотканная строма расширена и отечна. При этом сетчатая зона надпочечников относительно сохраняет свое балочное и сетчатое строение паренхимы, лишь отмечается некоторое расширение сосудов и отек стромы. В цитоплазме адренокортикоцитов обнаруживается наличие мелких вакуолярных образований. В мозговом слое имеют место более выраженные дисциркуляторные и отечные изменения в виде выраженного отека интерстиции, очагового кровоизлияния. Со стороны феохромоцитомных клеток мозгового слоя отмечалась некоторая

активность и гиперплазия с образованием отдельных очагов пролифератов этих клеток.



Рис. 2. Очаги распада паренхимы и очаги кровоизлияния в пучковой зоне. Окр: Г-Э. Х: 10х20.

При комбинированной черепно-мозговой травме отмечалось более выраженное повреждение гистоструктуры как коркового, так и мозгового слоя надпочечников. В корковом слое отмечалось усиление дисциркуляторных и отечных явлений соединительнотканной стромы и сосудов. Вместе с этим наблюдалось утолщение капсулы за счет пролиферативных изменений юных соединительнотканных клеток и волокон. Со стороны паренхиматозных клеток отмечалось повышение регенераторной активности адренокортикоцитов. Местами появлялись очаги активных клеток с гиперхромными ядрами, без выраженных дистрофических нарушений их цитоплазмы (рис. 3).



Рис. 3. Усиление отечных явлений, образование очагов регенератов

в клубочковой зоне коры надпочечников. Окр: Г-Э. Х:10х20.

В пучковой зоне также степень дисциркуляторных и дистрофических изменений ещё более выражена. Между пучками паренхиматозных клеток отечные явления стромы имеют очаговый характер. Основная масса адренокортикоцитов не сохраняет свое типичное строение в виде удлиненных трабекул (рис. 4). В мозговом слое сохраняется очаги отека интерстиции, кровоизлияния и дистрофических нарушений феохромоцитомных клеток.



Рис. 4. Пучковая зона, очаговый отек интерстиции, сохранение пучкового расположения адренокортикоцитов. Окр: Г-Э. Х: 10х20.

Результаты микроскопического исследования надпочечников показали, что в отличие от предыдущих групп в корковом слое надпочечников остры дисциркуляторные и дистрофически-деструктивные изменения имеют максимальную выраженность, отмечается расширение межуточной ткани за счет отека. В клубочковой зоне железы отмечается выраженная гиперплазия адренокортикоцитов с формированием крупных очагов регенератов (рис. 5). Ядро их округлой формы гиперхромные, цитоплазма сравнительно узкая без вакуолярных изменений. В межуточной ткани наблюдается некоторое утолщение соединительнотканных прослоек и увеличение волокнистых структур.

В пучковой зоне коры сохраняются некоторые очаговые отечные явления с расширением межбалочного пространства, а адренокортикоциты сохраняют своё балочное и пучковое строение, в цитоплазме их вакуолярные образования не определяются (рис. 6). Некоторые из них в состоянии активного регенеративного переобразования с повышенной окрашиваемостью как цитоплазмы, так и ядерных структур.



Рис. 5. Выраженная деструкция адренокортикоцитов пучковой зоны коры. Окр: Г-Э. Х:10х40.



Рис. 6. Пучковая зона, отек, разрыхление клеток в виде образования деструктивных адренокортикоцитов. Окр: Г-Э. Х: 10х20.

Выводы.

1. На фоне тяжелой черепно-мозговой травмы в надпочечниках развиваются выраженные дисциркуляторные, дистрофически-деструктивные изменения, причем эти изменения имели более выраженный характер в клубочковой и пучковой зонах коркового слоя, а в мозговом слое вместе с отечными изменениями отмечалась некоторая активация феохромацитомных клеток.

2. При комбинированной травме в отдельности отмечались некоторые усиления дисциркуляторных и отечных явлений, но в корковом слое сохранились очаги вакуолярных перестроек адренокортикоцитов. При этом

отмечалось усиление дисциркуляторных и отечных явлений, также наблюдалась активная деструкция паренхиматозных клеток, особенно в клубочковой зоне коры в виде образования очагов некроза, деструкции и кровоизлияния.

СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ

1. Автандилов Г.Г. Основы количественной патологической анатомии: учебное пособие / Г.Г.Автандилов. - М.: Медицина, - 2002. - 240 с.
2. Бахриев, И.И., Ешмуратов, Б.А., Раимбердиев, С.А., Шаматов, И.Я., & Ёкубов, Б.Т. (1(3) 2023). Патоморфологические особенности черепно-мозговой травмы. *Journal of Universal Science Research*, 136-144.
3. Джанболотов С.Т., Мукашев М.Ш. Содержание гормона и морфофункциональное состояние пучковой зоны надпочечника при суицидальной смерти //Вестник КГМА им. И.К.Ахунбаева, - 2022, - №5, - С. 49-54.
4. Прошина Ю.В. Функциональная морфология гипоталамо-гипофизарно-надпочечниковой системы при тяжелой черепно-мозговой травме //Автореферат дисс … к.м.н., - Москва. - 2007. - 26 с.
5. Раимбердиев, С.А; Бахриев, И.И. (2022). Структура надпочечников при тяжелой черепно-мозговой травме. *Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities, 10* (12), 544-548.
6. Султанов, С. Б., & Бахриев, И. И. (2022). Жировая эмболия как основная причина летальности при сочетанных травмах. *Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities*, *10*(12), 536-543.
7. Sukhrob, R., & Ibragim, B. (2023). In the mechanical injury and heart pathology structural characteristics of the adrenal gland. *British View*, *8*(2).
8. Шевченко К.В. Морфологические изменения гипоталамо-гипофизарно-надпочечниковой системы при острой черепно-мозговой травме //Пермский медицинский журнал. - 2010. - Т. 27. - №4. - С. 73-78.

РЕЗЮМЕ

ТРАВМАТИК МИЯ ШИКАСТЛАНИШИНИНГ СУД ДИАГНОСТИКАСИДА ИНСОН БУЙРАК УСТИ БЕЗЛАРИНИНГ БАЪЗИ МОРФОФУНКЦИОНАЛ ПАРАМЕТРЛАРИ

Райимбердиев Сухроб Абдухалилович[1],
Бахриев Ибрагим Исомадинович[2]
[1]Андижанский государственный медицинский институт
[2]Ташкентская медицинская академия
ibragim.bakhriev@mail.ru

Калит сўзлар: калла-мия жароҳати, буйрак усти безлари, морфология, суд-тиббий ташхислаш.

Мақолада калла-мия шикастланиши натижасида зўраки ўлим ҳолатларида инсон буйрак усти безларининг морфофункционал реакциясини қиёсий ўрганиш натижалари ёритирилган.

Калла-мия шикастланишидан ўлим ҳолатларини ташхислашда буйрак усти безларининг морфофункционал ҳолатини баҳолаш қўшимча суд-тиббий мезон сифатида фойдаланиш таклиф этилади.

SUMMARY

SOME MORPHOFUNCTIONAL PARAMETERS OF HUMAN ADRENAL GLANDS IN THE FORENSIC DIAGNOSIS OF TRAUMATIC BRAIN INJURY

[1]Raimberdiev Sukhrob Abdukhalilovich,
[2]Bahriev Ibrahim Isomadinovich
[1]Andizhan State Medical Institute
[2]Tashkent Medical Academy
ibragim.bakhriev@mail.ru

Key words: traumatic brain injury, adrenal glands, morphology, forensic medicine diagnosis.

The article presents the results of a comparative study of the morphofunctional response of the human adrenal glands in cases of violent death caused by traumatic brain injury.

Morphological differences in the response of the adrenal glands were revealed. It is proposed to use the assessment of the morphofunctional state of the adrenal glands as additional forensic criteria for diagnosing death from a traumatic brain injury.

УЎК: 616.322 002.2:616.36 002.2 53.2 07

СУРУНКАЛИ ВИРУСЛИ ГЕПАТИТ В ФОНИДА РИВОЖЛАНГАН ЎТКИР ЎРТА ОТИТ БИЛАН ЗАРАРЛАНГАН БОЛАЛАРДА КЛИНИК-ЛАБОРАТОР ВА ИММУНРЕАКТИВЛИК ҲОЛАТИ

Рахматов Ализот, Нарзуллаев Нуриддин
Бухоро давлат тиббиёт институти
Бухоро, Ўзбекистон
drnakhir@gmail.com

Калит сўзлар: ўткир ўрта отит; сурункали вирусли гепатит В; болалар; иммун тизим.

Долзарблиги. Маълумки, сурункали вирусли гепатит В жигар ҳамда кўплаб органлар ва тизимларга таъсир қилади ва шунга мос равишда боланинг ўсиши ва ривожланишига таъсир қилади. Сурункали вирусли гепатит В ривожланадиган ўткир ўрта отитнинг клиник кўринишини сезиларли даражада ўзгартириб, касалликнинг кечишини оғирлаштиради ва бунга параллел равишда касалликнинг ноқулай оқибатига олиб келадиган менингоэнцефалитик асоратларни ривожланиш хавфини орттиради. Республикада статистик маълумотларига кўра, Ўзбекистонда болаларда барча қулок касалликлари орасида ўткир ўрта отит 32,7% эгаллайди. Бу касалликлар инсон ҳаётига хавф солмасада, беморларнинг ҳаёт сифатини ёмонлашишига олиб келади.

Болаларда ўткир ўрта отит кўп ҳолларда (88-98% беморларда), организмдаги бошқа соматик касалликлар фонида кечади. Маълумки, сурункали вирусли гепатит В кўп тармоқли касаллик бўлиб, бир қанча аъзолар фаолиятига таъсир қилиб организмдаги мавжуд бўлган сурункали касалликларни қўзғатиши ёки алоҳида ҳолатда айрим касалликларни келиб чиқишига шароит яратади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, болаларда ўткир ўрта отитнинг жигар дисфункцияси билан кечганида, ўз вақтида ташхислаш, оптимал даволаш схемасини ишлаб чиқиш ва асослаш, амалий соғлиқни сақлаш тизими учун долзарб вазифа ҳисобланади.

Ишнинг мақсади: Сурункали вирусли гепатит в фонида ривожланган ўткир ўрта отит билан зарарланган болаларда клиник-лаборатор ва иммунреактивлик хусусиятларини ўрганиш, ташхислаш ва иммун тизимнинг ҳолатини баҳолашдан иборат.

Материал ва тадқиқот усуллари. Текширув учун Бухоро вилоят болалар юқумли касалликлар шифохонаси гепатология бўлимида ётиб даволанган СВГВ фонида ривожланган ЎЎО билан зарарланган ҳамда ВБКТТМ ЛОР-бўлимида ўткир ўрта отит билан даволанган 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган 114 нафар бемор болалар олинган. Барча назоратга олинган бемор болалар клиник ва лаборатор, биокимёвий, иммунологик тадқиқотларни ўз ичига олган кенг давомли текширувдан ўтказилди. Бу борада уларнинг шикоятлари, ўтказилган ва йўлдош касалликлар, преморбидли кўриниш, касалликнинг келиб чиқиш сабаблари, касалликнинг давомийлиги, эрта даволаш чора-тадбирлар самарасига эътибор қаратилган.

Бола организмининг иммунологик реактивлигини динамикада ўрганиш учун 50 нафар бола ушбу тадқиқотга жалб қилиниб, шулардан 25 нафар СВГВ фонида ривожланган ЎЎО билан зарарланган болалар анъанавий даволанганлар бўлса, 25 СВГВ фонида ривожланган ЎЎО билан зарарланган болалар анъанавий ва иммуностимуляцион терапия қабул қилган болаларни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларига кўра 700 нафар СВГВ фонида ривожланган ЎЎО билан зарарланган бемор болалар ретроспектив таҳлил қилиниб, шулардан 114 нафар бемор болалар перспектив таҳлил қилинди ва уларнинг барчаси тадқиқотимизнинг асосий гуруҳини ташкил этган. Асосий гуруҳимизнинг 76 нафари қишлоқ шароитида яшовчи болаларни ташкил этган бўлса, 38 нафарини шаҳар шароитида яшовчи болаларни ташкил этган.

Ўткир ўрта отит ташхиси бемор болаларнинг шикоятлари, клиник белгилар, отоскопик ва эндоскопик текшириш натижалари, анамнез маълумотлари, периферик қон кўрсаткичлари ва бурун ажралмасидаги эозонофиллар миқдори, бурун ёндош бўшлиқлари рентгенологик текширув натижаларига асосланиб қўйилди. Жигарнинг ҳолати қоннинг биокимёвий таҳлили, қон пигментлари (умумий, боғланган ва боғланмаган билурубин) ва ферментларининг (АЛТ-АСТ) миқдорига асосланиб баҳоланди.

Тадқиқот натижаларини статистик ишланмаси умумий статистик методлар орқали бажарилди. Олинган маълумотлар шахсий компютерда, Intel(R) Core(TM)2 Quad CPU va OC Windows7 дастурида амалга оширилди. Тадқиқотда STATISTICA 6,0 программасидан фойдаланилди.

Натижа ва таҳлиллар. Тадқиқод учун олинган барча бемор болаларда Т-ҳужайра иммун тизими параметрлари CD3+ (Т-лимфоцитлар), CD4+ (Т-хелпер/индукторлар) ва CD8+ (Т-цитотоксик лимфоцитлар) антигенлар экспрессияси мавжудлиги, шунингдек, CD4+/CD8+ нисбати (иммунорегулятор индекс - IRI) қиймати билан аниқланди. СВГВ фонида ривожланган ЎЎО билан зарарланган бемор болаларда В-лимфоцитларнинг қийматлари периферик қон зардобидаги асосий иммуноглобулинларнинг концентрацияси ўрганилди. Иммун тизимининг асосий ҳужайра параметрларига қўшимча равишда, натижаларни шарҳлашда катта диагностик ва прогностик аҳамиятга эга бўлган лимфоцитларнинг эрта ва кеч фаоллашуви белгилари ўрганилди.

СВГВ фонида ривожланган ЎЎО билан зарарланган бемор болаларда иммун тизимининг Т-ҳужайрали параметрлари қийматларини ўрганиш натижалари 1-расмда келтирилган.

Иммунитетнинг Т-ҳужайра тизими кўрсаткичлари (M±m)



1-расм. Иммунитетнинг Т-ҳужайра тизими кўрсаткичлари (M±m)

СВГВ фонида ривожланган ЎЎО билан зарарланган бемор болаларда иммунитетнинг Т-ҳужайравий бўғини қийматларини тадқиқ этиш натижаларини таҳлил этиш орқали организмда ифодаланган инфекцион яллиғланиш жараёни бўлган болаларда лейкоцитлар умумий сонининг ўртача миқдори назорат гуруҳи қийматларига нисбатан юқорироқ

бўлганлигини кўрсатди. Афтидан, биз аниқлаган лейкоцитоз тизимли яллиғланиш мавжудлигига ишора бўлган.

Периферик қондаги лейкоцитларнинг нисбий миқдори пасайишга мойил бўлган, лекин ҳаққоний фарқланмаган. Иккиламчи ўрта қулоқда яллиғланиш бўлган болаларда лейкоцитлар сони ошганлиги кузатилгани туфайли лимфоцитларнинг абсолют қиймати назорат гуруҳига нисбатан ҳаққоний юқорироқ бўлган.

Иммун тизими Т-ҳужайравий бўғинининг таҳлили натижалари шуни кўрсатдики, СВГВ фонида ривожланган ЎЎО билан зарарланган бемор болаларда CD3+ Т-лимфоцитларнинг нисбий миқдори назорат гуруҳи қийматларидан пастроқ бўлган. Масалан, назорат гуруҳида CD3+ қиймати 53,10±2,47% ни ташкил этган, асосий гуруҳ болаларида эса ушбу кўрсаткич ўртача 47,40±1,05% ни ташкил этган, бу ҳаққоний фарқ қилган эди. Болаларнинг асосий гуруҳида Т-лимфоцитларнинг мутлақ қийматлари ўзаро ҳаққоний фарқланмаган.

Иммунитетнинг CD4+ ва CD4+ каби лимфоцитлар субпопуляцияларининг тавсифини ўз ичига олувчи Т-ҳужайравий бўғинининг субпопуляциявий таркибини таҳлил қилишда асосий гуруҳ болаларида Т-хелпер/индукторлар (CD4+) миқдорининг 1,2 баравар камайгани аниқланган. Лейкоцитларнинг юқори қийматлари туфайли CD4+ лимфоцитларнинг мутлақ сони ортишга мойил бўлган. Афтидан, бу лейкоцитлар, шу жумладан лимфоцитларнинг етарлича мавжудлиги, лекин шу фонда иммунитет ҳолатида асосий тартибга солиш вазифасини бажарувчи Т-хелперлар/индукторлар субпопуляцияси босилиши билан боғлиқ бўлган. Демак, болаларнинг асосий гуруҳида Т-хелперлар/индукторларнинг нисбий миқдори назорат гуруҳининг маълумотларига қараганда ҳаққоний тарзда пастроқ бўлган.

CD4+/CD8+ нисбатининг (иммунорегулятор индекси - ИРИ) таҳлили унинг назорат гуруҳининг кўрсаткичларига нисбатан ҳаққоний пасайишини кўрсатди ($P<0,05$). Асосий гуруҳ болаларида ИРИ шахсий кўрсаткичларининг фарқи маълум даражада ўзгариб турган, лекин беморларнинг кўпчилигида ИРИ 1,0 дан пастроқ қийматларда бўлган. ИРИ нинг бундай ўзгариши CD8+ лимфоцитлар қийматининг ҳаққоний бўлмаган ўзгаришлари фонида CD4+ лимфоцитлари пасайиши ҳисобига кузатилган. Биз CD8+ лимфоцитлар сони назорат гуруҳининг қийматларида ҳаққоний фарқланмаганлигини аниқладик. Афтидан, бу болаларда иммунитет етишмаслиги ҳолати билан боғлиқ бўлган, ҳамда у инфекцион жараён мавжудлиги ҳамда патогенга номувофиқ жавоб бериш туфайли кучайган.

Шундай қилиб, бу ҳолда, асосий гуруҳдаги болаларда Т-лимфоцитлар популяциясининг етишмовчилиги адекват патологик жараённи тартибга солиш ва шаклланишида зарур бўлган CD4+ Т-хелперлар/индукторларнинг устун камайиши билан боғлиқ.

Шунинг учун асосий гуруҳдаги болаларда Т-ҳужайраларнинг оғир танқислиги Т-лимфоцитларнинг иммунорегулятор субпопуляцияларининг

танқислиги билан боғлиқ бўлиб, CD4+ Т-ҳужайралари ва CD8+ Т-цитотоксик лимфоцитлар сонининг аниқ танқислиги билан намоён бўлди.

Ҳозирги вақтда цитокинлар организмнинг асосий функцияларини тартибга солишнинг янги мустақил тизими сифатида аниқланган, биринчи навбатда патогенларни киритиш ва тўқималарнингяхлитлигини бузиш вақтида гомеостазни сақлаш билан боғлиқ. Маълумки цитокинлар-бу организмнинг ҳимоя реакцияларини шакллантириш ва тартибга солишда иштирок этадиган полипептид медиаторлар гуруҳидир. Цитокинлар даражасини ўрганиш ҳар хил турдаги иммунокомпитент ҳужайраларнинг функционал фаоллиги ҳақида маълумот беради; яллиғланиш жараённинг кечиш оғирлиги, унинг тизимли даражага ўтиши ва прогнози, 1 ва 2-тоифага Т-хелпернинг фаоллашув жараёнларнинг кечиши учун маълумот беради. Цитокинлар даражасини аниқлаш учун, хусусан, иммунофермент диагностик тест-тизимларидан фойдаланган ҳолда баҳолаш клиник амалиётда организмнинг иммун тизимининг ҳолатини ўрганишга янгича ёндашиш имконини беради.

Яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинлар яллиғланиш жараёнларини назорат қилади. ИФН-γ ва IL-4 каби цитокинлар яллиғланиш ва иммун жавобларнинг амплитудаси ва давомийлигини тартибга солувчи ўзига хос иммун жавобни тартибга солишга иштирок этади.

ИФН-γ бу манбаси фаоллаштирилган Т-лимфоцитлар ва табиий киллерлар бўлиб ҳисобланади. Т-лимфоцитлар орасида яллиғланишга қарши цитокинларни ишлаб чиқарувчилари ҳам цитотоксик CD8+, ҳам хелпер CD4+ ҳужайраларидир, аммо улар Th1 ва Th2га дифференцияланганда фақат Th1 ҳужайралари яллиғланиш олди цитокинларни ишлаб чиқариш қобилиятини сақлаб қолади. Яллиғланиш олди цитокинининг энг муҳим вазифаси лимфоцитлар ва макрофлар ўртасидаги мунособатларни воситалик қилишда ва иммун жавобнинг ҳужайра ва гуморал компонентларининг нисбатларини тартибга солишга иштирок этишидир. Th1-ҳужайраларнинг асосий маҳсулоти бўлган яллиғланиш олди цитокини Th2-ҳужайраларнинг секретор фаоллигини пасайтиради. Шундай қилиб, яллиғланиш олди цитокини ҳужайра иммун жавобининг асосий цитокини ва гуморал иммун жавобнинг ингибитори бўлиб, иммунорегуляцияда муҳим рол ўйнайди.

ИФН-γ В-лимфоцитларни рағбатлантирувчи омил сифатида тавсифланган, чунки у В-ҳужайраларнинг кўпайишига олиб келади. IL-4нинг асосий ишлаб чиқарувчилари 2-синфдаги Т-хелперлардир. IL-4 булутсимон ҳужайралар ва В-ҳужайра йўналиши ҳужайралари томонидан синтезланади. IL-4 макрофагларнинг функцияларини ва уларнинг IL-1, TNF ва IL-6 секрецияларини пасайтиради, яллиғланишга қарши таъсир кўрсатади. Шундай қилиб, IL-4 Th2 ҳужайраларнинг асосий маҳсулоти бўлиб, уларнинг дифференциясини рағбатлантиради. Бу В- ва Т-лимфоцитларнинг дифференциациясини келтириб чиқаради, Tx1 ҳужайралари томонидан ишлаб чиқарилган цитокинларнинг функционал антагонисти бўлган гематопоэтик ҳужайралар, макрофаглар, табиий

киллерлар,базофилларнинг ривожланишига таъсир қилади. IL-4 аллергик реакцияларнинг ривожланишида ёрдам беради, аниқ яллиғланишга қарши таъсирга эга.

СВГВ фонида ривожланган ЎЎО билан зарарланган бемор болаларда яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинларнинг характерини ўрганиб чиқдик. Олинган маълумотлар 2-расмга келтирилган.



2-расм. СВГВ фонида ривожланган ЎЎО билан зарарланган бемор болаларда яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинлар ҳолати

Биз кучли ифодаланган СВГВ фонида ривожланган ЎЎО билан зарарланган бемор болаларда ялллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинларнинг турини ўргандик. Олинган натижаларнинг таҳлили назорат гуруҳи ва асосий гуруҳ болаларидаги қийматлар ўртасидаги ҳаққоний фарқларни аниқлади. Масалан, соғлом болаларда ИФН-γ даражаси 23,70±5,38 пг/млни ташкил этди, бунда асосий гуруҳ болаларида ушбу кўрсаткич 82,80±25,07 пг/мл ни ташкил этган. Шундай қилиб, асосий гуруҳдаги болаларда ИФН-γ даражаси 3,5 баравар ошган, бу эса яллиғланиш жараёнининг кучлилигидан далолат берган.

Назорат гуруҳи болаларида ИФН-γ даражасини ўрганганда у 10,95±3,65 пг/млни ташкил этди, асосий гуруҳ болаларида эса у 86,08±25,72 пг/млни ташкил этди. Бунда яллиғланишга қарши цитокин IL-4 нинг даражаси 7,9 баравар ошган эди.

Цитокин профили ҳолатидаги қиёсий таҳлил шуни кўрсатдики, ИФН-γ /IL-4 (яллиғланиш олди/яллиғланишга қарши цитокинлар ёки Тх1/Тх2) нисбати соғлом болалар гуруҳида 2,2 қийматни ташкил этди. Асосий гуруҳдаги каби кучли яллиғланиш жараёни мавжуд бўлганда ушбу кўрсаткич 0,96 га тенг бўлган. Афтидан, биз асосий регулятор цитокинлар ҳолатидаги кучли ифодаланган дисбалансни кузатдик, у СВГВ фонида ривожланган ЎЎО билан зарарланган бемор болалардаги СВГВ фонида ривожланган ЎЎО билан зарарланган бемор болаларда ўткир яллиғланиш

7. Нарзуллаев Н.У. Микотические поражения среднего уха у ВИЧ-инфицированных детей. //Тиббиётда янги кун. №2 (30/2). Ташкент 2020г. с.210-211.
8. Нарзуллаев Н.У. Острый средный отит у ВИЧ-инфицированных детей: клинико-иммунологические особенности течения в зависимости от путей инфицирования. //Биология ва тиббиёт муаммолари. Самарканд. 2019.№3.б.90-92.
9. Пирогова И.Ю. Определение стадии фиброза и гистологической активности хронической HBV-инфекции с помощью интегральной оценки не инвазивных методов / И. Ю. Пирогова // Инфекционные болезни. - 2010. - Т. 8, № 3. - С. 40.
10. Рязанцев С.В. «Этиопатогенетическая терапия острых средних отитов». /Методические рекомендации. Ст-Петербург: АНО 2017:с.32. Радченко В. Г. Основы клинической гепатологии. Заболевания печени и билиарной системы / В. Г. Радченко, А. В. Шабров, Е. Н. Зиновьева. — //СПб.: Диалект, 2015. - 864 с.
11. Сафаров, С.С. Противовирусная иммунокорригирующая терапия при хроническом гепатите В у детей / С. С. Сафаров // Актуальные вопросы инфекционной патологии и вакцинопрофилакти- ки у детей: мат-лы VI конгресса педиатров-инфекционистов России (г. Москва, 13—14 декабря 2017 г.). - М. : ВИССЛА-ПРЕСС, 2017. - С. 144-145.
12. Симованян Э.Н. «Лечебно-диагностические стандарты по инфекционным болезням у детей». /Учебное пособие. Ростов- на Дону. 2018;157.
13. Gaffarova V.F. Method for prediction of psycho-speech disorders during febril conversions in children.//ScienceAsia 48 2022. -P. 951-955
14. Gaffarova V.F. Aspects of febril conversions in children's neurology.// European journal of innovation in nonformal education. Volume 2 Issue 12 December 2022. –P. 77-81.
15. Narzullaev N.U. Fregvency of occurrence of the exudative average otitis at the HIV-infected children. International scientific and practical conference. //ADTI.2019. pp.232-240.

РЕЗЮМЕ

КЛИНИКО-ЛАБОРАТОРНЫЙ СТАТУС И ИММУННАЯ РЕАКТИВНОСТЬ У ДЕТЕЙ С ОСТРИМ ОТИТОМ, РАЗВИВШИМСЯ НА ФОНЕ ХРОНИЧЕСКОГО ВИРУСНОГО ГЕПАТИТА В

Рахматов Ализот, Нарзуллаев Нуриддин

Бухарский государственный медицинский институт

Бухара, Узбекистон

drnakhir@gmail.com

Ключевые слова: острый средний отит; хронический вирусный гепатит В; дети; иммунная система.

ҳолатларининг асосий регуляторлари бўлган яллиғланишга қарши цитокинларнинг кескин ортиши ва яллиғланиш олди цитокинларнинг камайишида ифодаланган.

Шундай қилиб, СВГВ фонида ривожланган ЎЎО билан зарарланган бемор болалардаги асосий касалликнинг кечиш оғирлигига қараб клиник белгиларнинг ривожланиб бориши ҳамда касаллик авж олган босқичда бу клиник белгиларнинг кучайиб бориши билан характерланади. Ушбу патологияда жигар ва талоқнинг катталашуви яққол намоён бўлди. СВГВ фонида ривожланган ЎЎО билан зарарланган бемор болалардаги касалликнинг клиник кечиш даражаси ва касалликнинг клиник кўринишларида организмдаги иммун тизимининг ҳужайравий, гуморал тизими кўрсаткичларининг камайиши ва ўткир яллиғланиш ҳолатларининг асосий регуляторлари бўлган яллиғланишга қарши цитокинларнинг кескин ортиши ва яллиғланиш олди цитокинларнинг камайиши билан ифодаланган.

ХУЛОСА.

Сурункали вирусли гепатит В фонида ривожланган ўткир ўрта отит билан зарарланган беморларда ўтказилган иммунологик тадқиқотлар болаларда иммунотроп дорилар билан даволашдан олдин ва асосий иммунитетни нормаллаштириш билан даволашдан кейин оғир иммунитет танқислиги билан тавсифланган баъзи ўзгаришлар ёки хусусиятларни аниқлашга ва даволаш мажмуига иммунотроп дори воситасининг киритилиши касалликнинг ижобий клиник ва иммунодиагностикасига ёрдам бериб, организмдаги ҳужайравий, гуморал ҳамда цитокин кўрсаткичларининг меъёрлашишига олиб келди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Абдужамилова Н.А. Клиника и иммуногенетические основы формирования хронических вирусных гепатитов В и С : Автореф. дисс.. канд. мед. наук : 14.00.10 / НИИ эпидемиологии, микробиологии и инфекционных болезней . - Т, 2002. –С. 20.
2. Афонькин В.Ю. Реабилитация слуха у больных острым средним отитом на фоне применения фенсприда» //Вестник оториноларингологии.-2018.-№1-С .59-60.
3. Богомильский М.Р., Палунин М.М., Поляков Д.П. и др. «Состояние слуха у детей, перенесших острый средний отит, с применением парацентеза». //Вестник оториноларингологии. 2018.-№1-с 17-20.
4. Ивашкин В.Т. Особенности иммунного ответа у больных хроническим вирусным гепатитом С / В.Т. Ивашкин, С.Н. Мамаев, Е.А. Лукина //Российский журнал гастроэнтерологии, гепатологии, колопроктологии, — 2015. - Т. XI, № 3. - С. 24—29.
5. Козлов М.Я. «Острые отиты у детей и их осложнения». //Л: Медицина 1998: с.232.
6. Кулюшина Е.А. Синдромальный подход в лучевой диагностики цирроза печени /Е. А. Кулюшина //Клинические перспективы гастроэнтерологии, гепатологии - 2019. - № 6 - С. 10-15.

В данной статье освещается изучение клинико-лабораторной и иммунореактивности у детей, пораженных острым средним отитом, развившимся на фоне хронического вирусного гепатита В и развитием осложнений обострения острого среднего отита, развившегося на фоне СВГВ вследствие прогрессирующего иммунодефицита.

SUMMARY

CLINICAL-LABORATORY AND IMMUNE REACTIVITY STATUS IN CHILDREN WITH ACUTE OTITIS DEVELOPED ON THE BACKGROUND OF CHRONIC VIRUS HEPATITIS B

Rakhmatov Alizot, Narzullaev Nuriddin

Bukhara State Medical Institute

Bukhara, Uzbekistan

drnakhir@gmail.com

Keywords: acute otitis media; chronic viral hepatitis B; children; immune system.

In this article, the study of clinical laboratory and immunoreactivity in children affected by acute purulent otitis media developed against the background of chronic viral hepatitis B, the development of exacerbation complications in the disease of acute otitis media developed against the background of chronic viral hepatitis B due to progressive immunodeficiency is highlighted.

UDK 579.61

IKKINCHI TUR QANDLI DIABET ΦKASALLIGIDA ICHAK MIKROBIOMINING AHAMIYATI

Reyimbergenova Zumrad Alisherovna[1], Abdunabiyev Azimjon Muhammadkarim o'g'li[1], Ermatova Husnora Yusufjon qizi[1], G'ulomov Jahongir Azamat o'g'li[1], Sohibnazarova Xonsuluv Abduvohidovna[1], Bakiyeva Shahlo Xamuddullayevna[2], Dalimova Dilbar Akbarovna[1]

[1] Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar rivojlanish vazirligi huzuridagi Ilg'or texnologiyalar markazi.

[2]Toshkent tibbiyot akademiyasi

zumradreyimbergenova@gmail.com

Tayanch so'zlar: 2-tur qandli diabet, mikrobiota, mikrobiom, kichik zanjirli yog' kislotalari, G oqsili bilan bog'langan retseptor, erkin yog' kislotasi retseptori 2, qisqa zanjirli erkin yog' kislotalari 3, probiotik.

Mavzuning dolzarbligi.

2019-yilda qandli diabetning global tarqalishi 9,3% 2030 yilga kelib 10,2 % va 2045 yilga kelib 10,9 % ga ko'tarilishi taxmin qilinmoqda. Qandli diabet bilan kasallangan bemorlarning taxminan teng yarmi birlamchi kasallik belgilari his qilmaydi [1]. 2-tur qandli diabet (2TQD) – insulin barqarorligining progressiv metabolitik buzilish kasalligi hisoblanib rivojlanishiga genetik, yuqori kaloriyali ovqat iste'moli, jismoniy harakatsizlik va ekologik omillar

ta'sir qiladi [2]. Parhezni nazorat qilish, oqilona jismoniy mashqlar, og'iz orqali antidiabetik dorilar va insulin in'ektsiyasi diabetning oldini olish va davolashning odatiy usulidir. Biroq, bu usullarning hech biri diabetning rivojlanishini va unga bog'liq bo'lgan asoratlarni tubdan oldini olmaydi. So'ngi yilllarda ichak mikrobiomasining qandli diabetni rivojlanishidagi ro'li butun dunyo e'tiborini tortdi. Ichak mikrobiomining diabet rivojlanishidagi ta'sirini o'rganish bu kasallikni to'xtatish hamda oldini olish uchun dori vositalarini ishlab chiqish imkonini berishi mumkin [3]. Ichak mikrobiomi bakteriyalar, zamburug'lar, viruslar, arxeya va protistlarni o'z ichiga oladi [4]. Molekulyar-genetik usullarning rivojlanishi, ichak mikrobiomidagi barcha mikroorganizmlarni aniqlash imkonini yaratdi [5]. Ichak mikrobiotasida 1000 dan ortiq bakteriya turlaridan iborat bo'lib, asosan 9 ta bo'lim vakillarini o'z ichiga oladi, ulardan 3 ta bo'lim Firmicutes (F), Bacteroidetes (B) va Actinobacteria asosiy qismini tashkil etadi [6]. hamda organizm uchun foydali funksiyalarga ega. Ichak mikrobiotasining asosiy fiziologik funksiyalari quyidagilardan iborat: hazm qilish, immunitetni ko'tarish, biologik antagonism, saratonga qarshi reaksiyalarni kuchaytirish hamda foydali birikmalarni sintezlashdan iborat [7].

2-tur qandli diabet kasalligida ichak mikrobitasi

2001 yilda Nobel mukofoti sovrindori Joshua Lederberg birinchi marta "inson mikrobiomasi"ni tanamizda umumiy bo'lgan kommensal, simbiotik va patogen mikroorganizmlarning ekologik hamjamiyati deb ta'rifladi [2]. Ichak mikrobiotasi inson salomatligiga bevosita yoki bilvosita ta'sir qiladi [3]. Voyaga yetgan odamning oshqozon-ichak traktida (GIT) 100 trillion mikroorganizm mavjud bo'lib, ularning eng katta populyatsiyasi yo'g'on ichakda yashaydi. Ichak mikrobiotasining eng katta qismini *Firmicutes* (64%), *Bacteroides* (23%), *Proteobakteriyalar* (8%), *Aktinobakteriyalar* (3%) va boshqa bakteriyalar (2%) ni tashkil qiladi. *Firmicutes* va *Bacteroidesning* [2]. nisbati organizmning salomatligini saqlashda muhim ahamiyatga ega [10].

Bacteroidetes bo'limi to'rtta asosiy sinfdan, ya'ni *Bacteroidia, Flavobacteria, Sphingobacteria* va *Cytophagiadan* iborat bo'lib, ularning barchasi hazm bo'lmaydigan uglevodlarni fermentatsiyalashda katta ahmiyatga ega [3]. Yuqoridagi sinflardan eng ko'p o'rganilgan turkumlar *Sphingobacterium, Bacteroides, Tannerella, Parabacteroides, Alistipes* va *Prevotella* bo'lib, hammasi gram-manfiy bakteriyalardir [12].

Firmicutes, SCFA (Short-chain fatty acids, kichik zanjirli yog' kislotalari) hosil bo'lishida muhim rol o'ynaydi, asosiy SCFA bu butiratdir (ba'zi Bacteroidetes ham butirat ishlab chiqaradi). *Firmicutes*lar bo'limi *stafilokokklar, lactobakteriyalar, ruminokokklar* va *klostridiumlarni* o'z ichiga olgan 200 dan ortiq avlodlardan iborat [4]. *Firmicutes* bo'limi uchta asosiy sinfga bo'linadi: *Clostridia, Negativicutes, Bacilli va Firmicutes* bo'limi asosan gram-musbat bakteriyalardan iborat bo'lib, faqat *Negativicuteslar* bundan mustasno [13].

Proteobakteriyalar gram-manfiy bakteriyalar bo'lib, tashqi membranasi asosan lipopolisaxaridlardan iborat. Ularning aksariyati fakultativ anaeroblardir. Eng

ko'p o'rganilganlari *Escherichia, Shigella, Salmonella, Yersinia, Pseudomonas, Helicobacter, Campylobacterdir [14].*

Yuqoridagi bakteriyalar miqdorining o'zgarishi semizlik, 2TQD, artrit va ichak saratoni, dermotologik kasalliklarga sabab bo'ladi. 2010 yilda 2TQD bilan kasallangan bemorlar ichak mikrobiotasini o'rganish bo'yicha birinchi tadqiqotlar amalga oshirilgan. Diabet bilan kasallangan hayvon modellarida ham, odamlarda ham mikrobiomdagi o'zgarishlar bu bo'lim va sinf darajasida yaqqol ko'rindi. Geografik joylashuv, ovqatlanish, salomatlik holati va dori-darmonlarni qo'llash kabi chalkash omillar 2TQD [6,8]. bilan bog'liq "umumiy" mikrobiota profilini aniqlashda qiyinchiliklarga sabab bo'ldi. 2TQD bilan kasallangan bemorlar va sog'lom nazorat guruhlarining mikrobiomi o'rtasida o'xshashliklar mavjud, lekin 2TQD bilan kasallangan bemorlarda xilma-xillikning sezilarli darajada kamayganligini ko'rish mumkin [12,14]. 2TQD xavfini aniqlashda bitta sinf dominant rol o'ynashi dargumon [10]. Metagenom assotsatsiya tadqiqoti (MGAT) natijalariga ko'ra 2TQD bilan kasallangan bemorlarda butirat hosil qiluvchi bakteriyalar (*Clostriadiales sp.SS3/4, Faecalibacterium prausnitzii, Roseburia intestinalis, Eubakteriumrectale va Roseburia inulinivorans*) kamayadi. Opportunistik patogen bakteriyalar (*Bacateroides, C hac. Clostridium symbiosum, Eggerthella, lenta Clostridium ramosum va Escherichia coli),* musinni parchalovchi bakteriyalar *(Akkermansia muciniphila)* va sulfatni parchalovchi bakteriyalar (*Desulfovibrio sp.3_1 syn3*) ko'payadi. 2TQD bilan kasallangan bemorlar va sog'lom odamlarda *Firmicutes* va *Proteobakteriyalar* solishtirilganda sezilarli darajada kamayganligi haqida xabar berilgan [11,14]. Aksincha boshqa tadqiqotlarda *Firmicutes* va *Proteobacterialar* ko'payganligini, *Bacteroides*lar sezilarli darajada kamayganligini, bu esa diabetga chalingan odamlarda F/B nisbatining oshishiga olib kelganligini ko'rish mumkin [16]. Yana boshqa tadqiqotda esa mikrobiotada sezilarli darajada farqlanmagan [17]. 2TQD bilan kasallangan bemorlarda *Clostridia* va *Firmicutes* sinfining sezilarli darajada kamayganligi, *Betaproteobacteriyalar* sinfining ko'payganligi va uning qondagi glukoza bilan bog'liqligi aniqlandi. *Bacteroides*-Firmicutesning; Bacteroides-*Prevotella*ning va *C.coccoides-E.rectale*ning nisbati qondagi glukoza darajasi bilan to'g'ri proporsionalligi aniqlandi. 2TQD bilan bog'liq yana bir tadqiqot natijalariga ko'ra *Bifidobacterium, Bacteroides, Faaecalibacterium, Akkermansia va Roseburia* turkumlari kamaygan. *Ruminococcus, Fusobacterium* va *Blautia* turkumlari soni ko'paygan. *Bifidobacterium* turkumi organizm uchun muhim ahamiyatga ega, shu jumladan ichak o'tkazuvchanligini yaxshilaydi, tizimli yallig'lanishni kamaytiradi. Bu esa organizmda glyukoza barqarorligini va glyukoza bilan bog'liq insulin sekretsiyasini yaxshilaydi [18].Yana bir tadqiqotda *Enterobacteriaceae oilasi ko'paygan.* Bu oila ko'plab patogenlarni (masalan, *Salmonella* va *Escherichia coli*), shuningdek, ko'plab zararsiz simbionlarni o'z ichiga olgan gramm-manfiy bakteriyalar oilasidir. *Aeromonas* turi *Enterobacteriaceae oilasi* vakili bo'lib, oksidaza faolligi va glukoza barqarorligida muhim ahamiyatga ega. Ushbu bakteriya turining diabet va boshqa surunkali kasalliklar bilan bog'liqligi aniqlangan [19].

Ichak mikrobiotasi metobolitlari.

Metabolitlar hujayralar ichida tabiiy ravishda paydo bo'ladigan turli fermentlar tomonidan katalizlangan metabolik reaktsiyalarning oraliq mahsulotidir [20]. SCFAlar, BCAA (tarmoqlangan zanjirli aminokislota) lar, suksinat, indol va imidazol ichakdagi anaerob fermentatsiya jarayonida hosil bo'lgan metabolitlari bo'lib, bakteriyalarning mezmon organizmining signalizatsiya yo'llarida markaziy komponentlar sifatida ishlaydi [21]. Ichak mikrobiotasi hazm bo'lmaydigan murakkab uglevodlarni parchalaydi bu esa SCFAni hosil qiladi. Ushbu SCFAlar organizmda so'rilishi va energiya sifatida ishlatilishi mumkin ulardan 90-95% ni asetat, propionat va butirat tashkil etadi. Bundan tashqari chumoli, sirka, izobutirat, valerat, izovalerat va kaproik eng keng tarqalgan kislotalardir. Yo'g'on ichakda atsetat, propionat va butirat kislotalarning nisbati 60%, 25%, va 15% tashkil qiladi. [22]. Kislotali fermentatsiya mahsulotlari kontsentratsiyasining oshishi natijasida yo'g'on ichakning pH ko'rsatgichi past bo'ladi hamda pH muhitning pasayishi hisobiga butirat hosil bo'lishi kuchayadi [20].

Atsetat asosan kraxmal, polisaxaridlarning saxarolitik fermentatsiyasi orqali hosil bo'ladi. Asosiy atsetat ishlab chiqaruvchi bakteriyalar *Ruminococcus* spp., *Prevotella* spp., *Bifidobacterium* spp, *Akkermansia muciniphila va Clostridium spp., Streptococcus spp va Blautia hydrogenotrophic* hisoblanadi [23]. Ushbu bakteriyalardan olingan metabolitlar sintez qilingandan so'ng, turli to'qimalarga yetib borish qobiliyatiga ega bo'lib, ichak to'siqlarining yaxlitligini saqlaydi, glyukoza, xolesterin va lipid metabolizmini yaxshilaydi, immun tizimini va qon bosimini tartibga soladi [24]. Atsetat to'g'ridan-to'g'ri gipotalamusga ta'sir qilib, ishtahani kamaytiradi, qon tarkibidagi xolesterinining jigar tomonidan qabul qilinishini kuchaytiradi va giperglikemiyani kamaytiradi [25].

Propionat-qon plazmasida lipid miqdorini va tana vaznini nazorat qiladi. Bundan tashqari xolesterinni, lipogenik faollikni kamaytiradi, yallig'lanishga qarshi va antikanserogen ta'sirni faollashtiradi [26]. *Bacteroides spp., Dialister spp., Phascorctobacterium-succinatutens va Veillonella spp., Coprococcus catus, Megasphaera-elsdeni Ruminococcus obeum, Roseburia inulinivorans* va *Salmonella spp* tomonidan fermentatsiya mahsuloti sifatida ishlab chiqariladi [27].

Butirat hosil qiluvchi bakteriyalar izchil filogenetik guruh emas, balki funksional guruhni ifodalaydi. Son jihatdan butirat ishlab chiqaruvchilarning eng muhim ikkita guruhi *Clostridium leptum* (yoki klostridial klaster IV) klasteriga kiruvchi *Faecalibacterium prausnitzii* va *Clostridium closter coccridialesga* tegishli *Eubacterium rectale, Roseburia spp.)* qattiq bakteriyalar klasteri [28]. Butirat kolonotsitlar uchun asosiy energiya manbai bo'lib, yo'g'on ichak shilliq qavatining sog'ligini saqlashda ishtirok etadi. Butirat ichakda muhim ahamiyatga ega bo'lib, transepitelial suyuqliklarni tashishni tartibga soladi, shilliq qavatning yallig'lanishini va oksidlanishini yaxshilaydi, epitelial himoya to'sig'ini mustahkamlaydi, kolorektal saratonning oldini oladi va ichakdan tashqari ko'plab patologiyalarga ta'sir ko'rsatadi, metabolik kasalliklarda muhim ahamiyatga ega [28,29].

SCFA lar GPCRs (G oqsili bilan bog'langan retseptor), FFAR2 (Erkin yog' kislotasi retseptori 2) va FFAR3 (qisqa zanjirli erkin yog' kislotalari 3) retseptorlari bilan bog'lanish orqali β-hujayralarining insulin ishlab chiqarishini kuchaytiradi, glyukagon sekretsiyasini kamaytiradi, b-hujayralarni apoptozdan himoya qiladi [30]. SCFA lar shuningdek, glyukoza metabolizmiga bevosita ta'sir qiladi, glikogen sintezini amalga oshiradi, glikoliz va glyukoneogenezni va plazmadagi yog' kislotasi kontsentratsiyasini kamaytiradi [30,31].

Probiotiklar

Probiotiklar - bu jonli mikroorganizmlar bo'lib, ular yetarli miqdorda qo'llanilganda, sog'liq uchun foyda keltiradi. Sog'lom inson tanasida bunday mikroorganizmlar mavjud va ularni retseptsiz oziq-ovqat qo'shimchalari shaklida istemol qilish mumkin. Probiotiklarning eng keng tarqalgan turi *Laktobakteriyalar* va *Bifidobakteriyalardir* [32]. Probiotiklarni bioterapevtik vositalar sifatida qo'llash nafas olish yo'llari infektsiyalari, yallig'lanishli ichak kasalliklari, antibiotiklar bilan bog'liq diareya va yarali kolitni davolashda foydalanish muvaffaqiyatli natija bergan. hozirgi kunda probiotiklarni 2TQD kabi metabolik kasalliklarga qarshi tadqiq qilish bo'yicha klinik bosqichda ishlar olib borilmoqda [33]. *Lactobacillus* turkumi bemorlar va nazorat guruhlari o'rtasida o'tkazilgan tadqiqotlarda oltita maqolaning beshtasida ushbu turkumningning 2TQD bilan kasallangan bemorlarda miqdorining o'zgarishi haqida ma'lumot berilgan [34]. 2TQD bilan kasallangan odamlarda *L acidophilus, L gasseri, L salivaris* ko'paygan, *L.amylovorus* kamaygan. Sichqonlarda olib borilgan eksprimental tadqiqotlarda *L.plantarum*, L.reuteri, L.casei, L.curvatus, L gasseri, foydali ta'sir ko'rsatgan [34,35]. Lactobacillusning o'n ikki turini boshqa probiotiklar bilan birgalikda o'nta tadqiqotda foydalanilgan [36,37]. O'n bitta tadqiqotda himoya funksiyasini namoyon qilgan [36]. *Laktabacillus*.va *Bifidobacteriumning* sinergetik tarzda ishlashi mumkinligini ko'rsatdi [37]. 2TQD bilan kasallangan odamlarda *L.sporogenlar, L.casei, L. Shirota*, L.reuteri, mono-probiyotik sifatida ishlatilganda yaxshi natija berishi haqida ma'lumotlar bor [38]. Boshqa bir metatahlillar shuni ko'rsatdiki probiotiklar oksidlovchi stress belgilarini kamaytiradi, lekin glukoza metabolizmiga ta'sir qilmaydi [39]. Ko'plab tadqiqotlarda *L plantarum*, oziq-ovqat mahsulotlariga qo'shib istemol qilinganda, *L. plantarum* glyukoza almashinuvini yaxshilashi aniqlangan; faqat bitta tadqiqotda ushbu davolash turining sezilarli ta'siri yo'qligi haqida xabar berilgan [38,39]. Biroq, bu tur to'rtta klinik sinovda glyukoza metabolizmiga sezilarli ta'sir ko'rsatmadi. *Shunday qilib, Lactobacillus* va *Bifidobacterium*, alohida-alohida qo'llanilgandan ko'ra probiyotik kokteylning bir qismi bo'lganida samaraliroq ta'sir ko'rsatadi [37]. Hozirgi kunda 2TQD bilan bog'liq eng ko'p o'rganilayotgan probiotiklardan yana biri *A.muciniphiladir*. 2TQD kasallangan bemorlarda *A muciniphila* miqdori sezilarli darajadagi kamayadi. Sichqonlarda *A muciniphilani* og'iz orqali yuborish sichqonning yo'g'on ichak hujayralarida GLP-1 sekretsiyasini yaxshilaydi, glukozaga barqarorligini yaxshilaydi, ichak to'sig'ini tiklaydi va yallig'lanishni kamaytiradi [40]. *A muciniphilaning* maxsus membrana oqsillarini qo'llash diabet bilan kasallangan semiz sichqonlarda yog'

miqdorini sezilarli darajada kamaytirgan va insulin barqarorligi va dislipidemiyani yaxshilagan [41].

Shunday qilib 2TQD bilan og'rigan bemorlarda probiyotiklar bilan bog'liq ko'plab klinik sinovlar o'tkazildi, ammo natijalar bir-biriga mos kelmadi. Ko'plab klinik sinovlarning meta-tahlili probiyotiklar FBG (qondagi glukoza darajasi), insulinni va HbA1c (Glikatlangan gemoglobin) ni samarali ravishda kamaytirishi va HOMA-IR (Insulin qarshiligini - gomeostaz modelida baholash) - samaradorligini oshirishi mumkinligini ko'rsatdi [42]. Boshqa bir meta-tahlil natijalari shuni ko'rsatdiki, probiyotiklar oksidlovchi stress belgilarini TAS (umumiy antioksidant holatini) ni, MDA (malondialdegid) ni samarali ravishda kamaytiradi, bu probiotiklar asosan glyukoza metabolizmini emas, balki oksidlovchi stressni yaxshilash orqali diabetni yengillashtiradi [43]. Sun va boshqalar. meta-tahlili shuni ko'rsatdiki, probiotik kapsulalar bilan birlashtirilgan multistrainlar T2DM bilan og'rigan bemorlarda FBG va HbA1c ni samarali ravishda kamaytiradi, ammo boshqa xavf omillariga sezilarli ta'sir ko'rsatmadi [44]. Bir necha xil shtammlardan foydalanish, har xil dozada foydalanish, har xil vaqtda foydalanish natijalarning bir biriga mos kelmasligiga sabab bo'lishi mumkin. Shunday qilib, an'anaviy probiotiklarning T2DM ning oldini olish va yaxshilashdagi rolini baholash uchun ko'proq klinik sinovlar talab qilinadi [45].

Xulosa

2TQD bilan kasallangan bemorlar va sog'lom nazorat guruhlarining mikrobiomi o'rtasida o'xshashliklar mavjud, lekin 2TQD bilan kasallangan bemorlarda xilma-xillikning sezilarli darajada kamayganligini bo'lim va sinf darajasida yaqqol ko'rish mumkin. 2TQD bilan bog'liq "umumiy" mikrobiota profilini aniqlashda geografik joylashuv, ovqatlanish, salomatlik holati va dori-darmonlarni qo'llash kabi chalkash omillar qiyinchiliklarga sabab bo'lishi mumkin. Hozirgi kunda parhezni nazorat qilish, oqilona jismoniy mashqlar, og'iz orqali antidiabetik dorilar va insulin in'ektsiyasi diabetning oldini olish va davolashning odatiy usulidir. Biroq, bu usullarning hech biri diabetning rivojlanishini va unga bog'liq bo'lgan asoratlarni tubdan oldini olmaydi. Olimlar tomonidan probiotiklar orqali davolash, 2 - tur qandli diabetning oldini olish va davolashning samarali usuli sifatida taklif qilinmoqda, bu bo'yicha taqdiqotlar hozirgi kunda tugallanmagan va klinik tadqiqotlarni talab qiladi. Ammo probiotiklar orqali davolash 2 TQD oldini olish va davolashda muqobil yechim bo'lib hizmat qilishi mumkin.

Adabiyotlar ro'yhati

1. Saeedi P, Petersohn I, Salpea P, Malanda B, Karuranga S, Unwin N, Colagiuri S, Guariguata L, Motala AA, Ogurtsova K, Shaw JE, Bright D, Williams R; IDF Diabetes Atlas Committee Global and regional diabetes prevalence estimates for 2019 and projections for 2030 and 2045: Results from the International Diabetes Federation Diabetes Atlas, 9th edition.

2.Kahn S.E., Cooper M.E., Del Prato S. Pathophysiology and treatment of type 2 diabetes: Perspectives on the past, present, and future. *Lancet.*2014;383:1068–1083. doi: 10.1016/S0140-6736(13)62154-6.

3. Zhao R, Lu Z, Yang J, Zhang L, Li Y, Zhang X. Drug Delivery System in the Treatment of Diabetes Mellitus. Front Bioeng Biotechnol. 2020 Jul 29;8:880. doi: 10.3389/fbioe.2020.00880. PMID: 32850735; PMCID: PMC7403527.
4. Carding SR, Davis N, Hoyles L. Review article: the human intestinal virome in health and disease. Aliment Pharmacol Ther. 2017 Nov;46(9):800-815. doi: 10.1111/apt.14280.
5. Matijašić M, Meštrović T, Paljetak HČ, Perić M, Barešić A, Verbanac D. Gut Microbiota beyond Bacteria-Mycobiome, Virome, Archaeome, and Eukaryotic Parasites in IBD. Int J Mol Sci. 2020 Apr 11;21(8):2668. doi: 10.3390/ijms21082668.
6. Matijašić M, Meštrović T, Paljetak HČ, Perić M, Barešić A, Verbanac D. Gut Microbiota beyond Bacteria-Mycobiome, Virome, Archaeome, and Eukaryotic Parasites in IBD. Int J Mol Sci. 2020 Apr 11;21(8):2668. doi: 10.3390/ijms21082668.
7. Turnbaugh PJ, Ley RE, Hamadi M, Fraser-Liggett CM, Knight R, Gordon JI. The Human Microbiome Project. Nature. 2007; 449(7164):804–810. doi: 10.1038/nature06244.
8. Hur KY, Lee MS. Gut Microbiota and Metabolic Disorders. Diabetes Metab J. 2015 Jun;39(3):198-203. doi: 10.4093/dmj.2015.39.3.198. PMID: 26124989; PMCID: PMC4483604.
9. Khan AA, Sirsat AT, Singh H, Cash P. Microbiota and cancer: current understanding and mechanistic implications. Clin Transl Oncol. 2022 Feb;24(2):193-202. doi: 10.1007/s12094-021-02690-x.
10. Thursby E, Juge N. Introduction to the human gut microbiota. Biochem J. 2017 May 16;474(11):1823-1836. doi: 10.1042/BCJ20160510.
11. Marko Novakovic, Amit Rout, Thomas Kingsley, Robert Kirchoff, Amteshwar Singh, Vipin Verma, Ravi Kant, and Rahul Chaudhary Role of gut microbiota in cardiovascular diseases Published online 2020 Apr 26. doi: 10.4330/wjc.v12.i4.110
12. Sikalidis AK, Maykish A. The Gut Microbiome and Type 2 Diabetes Mellitus: Discussing a Complex Relationship. Biomedicines. 2020 Jan 7;8(1):8. doi: 10.3390/biomedicines8010008.
13. Vesth T, Ozen A, Andersen SC, Kaas RS, Lukjancenko O, Bohlin J, Nookaew I, Wassenaar TM, Ussery DW. Veillonella, Firmicutes: Microbes disguised as Gram negatives. Stand Genomic Sci. 2013 Dec 15;9(2):431-48.
14. Dekker JP, Frank KM. Salmonella, Shigella, and yersinia. Clin Lab Med. 2015 Jun;35(2):225-46. doi: 10.1016/j.cll.2015.02.002. Epub 2015 Apr 2. PMID: 26004640; PMCID: PMC4443274.
15.Schloissnig S, Arumugam M, Sunagawa S, Mitreva M, Tap J, Zhu A, Waller A, Mende DR, Kultima JR, Martin J, Kota K, Sunyaev SR, Weinstock GM, Bork P. Genomic variation landscape of the human gut microbiome. Nature. 2013 Jan 3;493(7430):45-50. doi: 10.1038/nature11711. Epub 2012 Dec 5. PMID: 23222524; PMCID: PMC3536929..
16. Marko Novakovic, Amit Rout, Thomas Kingsley, Robert Kirchoff, Amteshwar Singh, Vipin Verma, Ravi Kant, and Rahul Chaudhary Role of gut

microbiota in cardiovascular diseases Published online 2020 Apr 26. doi: 10.4330/wjc.v12.i4.110
17. Olsthoorn L, Vreeken D, Kiliaan AJ. Gut Microbiome, Inflammation, and Cerebrovascular Function: Link Between Obesity and Cognition. Front Neurosci. 2021 Dec 6;15:761456. doi: 10.3389/fnins.2021.761456.
18. Okubo T. et al.KK/Ta mice administered lactobacillus plantarum strain no. 14 have lower adiposity and higher insulin sensitivity.*Biosci Microbiota Food Health.* 2013; 32:93-100
19.Davin-Regli A, Lavigne JP, Pagès JM. *Enterobacter* spp.: Update on Taxonomy, Clinical Aspects, and Emerging Antimicrobial Resistance. Clin Microbiol Rev. 2019 Jul 17;32(4):e00002-19. doi: 10.1128/CMR.00002-19.
20 1.Meštrović, Tomislav. (2018, August 23). What are Metabolites?. News-Medical. Retrieved on April 07, 2023 from https://www.news-medical.net/life-sciences/What-are-Metabolites.asp.
21. Mortensen PB, Clausen MR. Short-chain fatty acids in the human colon: relation to gastrointestinal health and disease. Scand J Gastroenterol Suppl. 1996;216:132–148. doi: 10.3109/00365529609094568.
22. Liu L, Li Q, Yang Y, Guo A. Biological Function of Short-Chain Fatty Acids and Its Regulation on Intestinal Health of Poultry. Front Vet Sci. 2021 Oct 18;8:736739. doi: 10.3389/fvets.2021.736739. PMID: 34733901; PMCID: PMC8558227.
23. Andrew J. Ray; Gloria Seaborn; John W. Leffler; Susan B. Wilde; Alisha Lawson; Craig L. Browdy (2010). Characterization of microbial communities in minimal-exchange, intensive aquaculture systems and the effects of suspended solids management. , 310(1-2), 0–138. doi:10.1016
24.Martin-Gallausiaux C, Marinelli L, Blottière HM, Larraufie P, Lapaque N. SCFA: mechanisms and functional importance in the gut. Proc Nutr Soc. 2021 Feb;80(1):37-49. doi: 10.1017/S0029665120006916. Epub 2020 Apr 2. PMID: 32238208.
25. Hitoshi Sakakibara; Kentaro Takei; Naoya Hirose (2006). *Interactions between nitrogen and cytokinin in the regulation of metabolism and development. , 11(9), 0–448.* doi:10.1016/j.tplants.2006.07.004
26. Nicole Reichardt, Sylvia H Duncan, Pauline Young, Alvaro Belenguer, Carol McWilliam Leitch, Karen P Scott, Harry J Flint & Petra Louis Phylogenetic distribution of three pathways for propionate production within the human gut microbiot
27. Vinolo MA, Rodrigues HG, Nachbar RT, Curi R. Regulation of inflammation by short chain fatty acids. Nutrients. 2011 Oct;3(10):858-76. doi: 10.3390/nu3100858. Epub 2011 Oct 14. PMID: 22254083; PMCID: PMC3257741.
28. Canani RB, Costanzo MD, Leone L, Pedata M, Meli R, Calignano A. Ichak va ichakdan tashqari kasalliklarda butiratning potentsial foydali ta'siri. Jahon J Gastroenterol. 2011 yil 28 mart;17(12):1519-28. doi: 10.3748/wjg.v17.i12.1519. PMID: 21472114; PMCID: PMC3070119.

29. Recharla, N.; Geesala, R.; Shi, X.-Z. Gut Microbial Metabolite Butyrate and Its Therapeutic Role in Inflammatory Bowel Disease: A Literature Review. *Nutrients* 2023, *15*, 2275. https://doi.org/10.3390/nu15102275
30. Priyadarshini M, Wicksteed B, Schiltz GE, Gilchrist A, Layden BT. SCFA Receptors in Pancreatic β Cells: Novel Diabetes Targets? Trends Endocrinol Metab. 2016 Sep;27(9):653-664. doi: 10.1016/j.tem.2016.03.011
31. Tang R, Li L. Modulation of Short-Chain Fatty Acids as Potential Therapy Method for Type 2 Diabetes Mellitus. Can J Infect Dis Med Microbiol. 2021 Jan 4;2021:6632266. doi: 10.1155/2021/6632266. Erratum in: Can J Infect Dis Med Microbiol. 2021 Jun 4;2021:9756586. PMID: 33488888; PMCID: PMC7801078.
32. Fijan S. Microorganisms with claimed probiotic properties: an overview of recent literature. Int J Environ Res Public Health. 2014 May 5;11(5):4745-67. doi: 10.3390/ijerph110504745. PMID: 24859749; PMCID: PMC4053917.
33. Marques AM, Sarandy MM, Novaes RD, Gonçalves RV, Freitas MB. Preclinical relevance of probiotics in type 2 diabetes: A systematic review. Int J Exp Pathol. 2020 Jun;101(3-4):68-79. doi: 10.1111/iep.12359. Epub 2020 Jul 1. PMID: 32608551; PMCID: PMC7370849.
34. Candela M. et al. Modulation of gut microbiota dysbioses in type 2 diabetic patients by macrobiotic Ma-Pi 2 diet. *Br J Nutr.* 2016; 116: 80-93
35. Martinic A. et al. Supplementation of lactobacillus plantarum improves markers of metabolic dysfunction induced by a high fat diet.*J Proteome Res.* 2018; 17: 2790-2802
36. Sabico S.et al. Effects of a multi-strain probiotic supplement for 12 weeks in circulating endotoxin levels and cardiometabolic profiles of medication naive T2DM patients: a randomized clinical trial.*J Transl Med.* 2017; **15**: 249
37. Kobyliak N.et al.Effect of alive probiotic on insulin resistance in type 2 diabetes patients: randomized clinical trial.*Diabetes Metab Syndr.* 2018; **12**: 617-624
